



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 21-noyabr №47 (4290)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” ПОЛЯК ТИЛИДА

Яқинда Польшада улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асари поляк тилида алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Польшалик таниқли файласуф, сайёҳ ва таржимон Януш Кжижевский томонидан таржима қилинган ушбу машҳур дoston Навоий бобомизнинг бошқа асарлари қатори Польша Миллий кутубхонаси каталогидан жой олди. Бу янги нашр айна вақтда Польшадаги барча давлат кутубхоналарида мавжуд.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази кутубхонасига тақдим этилган “Лисон ут-тайр”нинг полякча нусхалари ҳам юртимизга етказиб берилди. Аввало, Алишер Навоий номи ва асарларининг дунё миқёсидаги тарғиботи билан боғлиқ бу янгилик жамиятимиз ҳаётида муҳим маънавий-маърифий воқеа эканини қайд этиш лозим.

Зотан, Президентимиз шу йил май ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва

минг 598 байтдан иборат. Асар фалсафий дoston бўлиб, шоир унда мажозий образлар, қаҳрамонларнинг саргузаштлари орқали тасаввуфий гояларини ифодалаган, инсонни улуглаш, унинг камолотга эришиш йўлини юксак шеърый маҳорат билан баён этган. “Муқаддима”да Навоий бу дostonни Шайх Фаридуддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” асарига назира тарзида ёзганини қайд этган.

Алишер Навоийнинг ўзи баён қилишича, болалик йилларидаёқ форс мумтоз адабиётини ўқишга гоят қизиққан ва, айна вақтда, Фаридуддин Аттор сингари йирик мутафаккир адиблар асарларини ўқиб борган. Ўша вақтдаёқ у “Мантик ут-тайр” номли улкан ва анчагина мураккаб шеърый асарини тўлиқ ёд олган. Олтимиш ёшга қадам қўйганда эса, “Мантик ут-тайр” асарига жавобан “Лисон ут-тайр” асарини ёзган. Бу асарнинг гояси аслида “Кимки ўзини (нафсини) таниса, албатта, у Раббисини (Аллоҳни) танийди”, деган маънодаги ҳадиси шарифга асосланган.

Илк бор Фаридуддин Аттор тўғрисида мактабда ўқиб юрган чоғимда, адабиёт дарсида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди мавзуси ўтилганда эшитганман. Ўша даврда Аттор деганда, унинг ижодидан бохабар ўзбек китобхоналарининг кўзи олдида беш ёшли Алишернинг “Мантик ут-тайр” дostonини қўлидан қўймай, унинг

таъсирида ҳаёлчан ва хилватчан бўлиб қолгани, бундан хавотирга тушган ота-онаси китобни яшириб қўйгани, шунга қарамай, болакай уни ёд олиб улгургани билан боғлиқ воқеалар намён бўларди.

Ҳазрат Навоий умр бўйи ўша асар таъсирида яшаб, ҳаётининг шомиди “таржима расми билан” унга жавобан “Лисон ут-тайр”ни ёзган. Бу воқеалар каминани Аттор ҳақида ўйлашга, кейинчалик эса “Аттор-шунослик” китобимни ёзишга ундади.

Тасаввуфдаги асосий масала — Аллоҳ билан инсон ўртасидаги алоқадорлиқни англаш, ҳақиқатни билиш. Бу сулук йўлидир. Ана шу йўл солиқнинг фаолияти, интилиши, турмуш тарзини белгилаб берувчи тартиб-қоидаларни ўз ичига олади. У турли мақом, яъни босқичлардан таркиб топган. Ҳар бир мақом солиқнинг амалий жиҳатдан эришган муайян ахлоқий сифатларини, диний тарғибаси, маънавий камолоти ва илм-маърифати даражаларини белгилаб беради.

Бу сифатларга солиқ маънавий Устод — муршид раҳбарлигида эришади. Сулук сермашаққат йўлдир. Унинг тимсоли Атторнинг “Мантик ут-тайр” ва Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonларида қўшларнинг афсонавий подшоҳи Симургни излаб қилган саргузаштли сафари орқали рамзий ифодаланган.

Қуш тили — Шарқ мумтоз адабиётининг ўзига хос аъён-наларидан бири. Тарихдан маълумки, қуш тили воситасида фалсафий, яъни ҳикматомуз масалалар ҳусусида мулоҳаза юритиш Аттор ва Навоийдан илгари ҳам мавжуд бўлган. Абу Али ибн Синонинг “Рисолат ут-тайр” китоби, Имом Ғаззолийнинг шу номли рисоласи, Шаҳобуддин Сухравардий қаламига мансуб “Рисолайи мусаммо би “Сафари Симург” асари бунга мисол бўла олади.

Қисқача айтганда, тасаввуфнинг ўзак гояси муҳаббат бўлиб, бу муҳаббатнинг энг юқори босқичи — ишқи илоҳийдир. Тасаввуфий адабиётни ўқиб ва ўқитишдан бош мақсад ҳам ана шу инсоний баркамоллик талаблари экани барча манбалардан яқдил англашилди. Шу маънода, тасаввуф адабиёти ҳозирги ёш авлоднинг мушоҳада олами кенгайтиради ва очилмаган янги маънавий манзиллар билан таништирилади, десак, янглишмаган бўламиз.

Давоми иккинчи саҳифада.

Зулфия таваллудининг 100 йиллиги

ЙИЛЛАР ВА ЁМЛАР

Қўллар қисқа эди, тил эса узун,
Радио тинглари фақат шаҳарлар.
Ҳаёт газал қасрин беамоқ учун
Зулфияхонимни этди сафарбар.

Ким олса умид-ла қўлига қалам,
Устозлар қадрини яхши билади.
Мен талаба эдим. Зулфия опам
Жажжи шеърларининг бошини силади.

Кўзуга айланди тебранса замон,
Дўст бўлди тинчликнинг дўстлари билан.
Ҳиндистонни эса кўрамыз ҳамон
Зулфия опанинг кўзлари билан.

Эътиром

Опамиз ўткинчи сайроқи қушмас,
У юртни, юрт уни севиб-қадрлар.
Шукрки, ҳеч қачон тиллардан тушмас
Ҳаётни қуйлаган ҳалол сатрлар.

Шоира суянчи — фарзанд ва орзу,
Орзу қанотлари — меҳр ва меҳнат.
Эҳтимол биз билан хайрлашгандир у
Ҳамид Олимжонни соғиниб беҳад.

Қанча уринса-да йиллар ва еллар,
Ювиб кетолмагай унинг изини.
Асрий парвоз билан қутлайди эллар
Гўзал халқимизнинг гўзал қизини.

Хусниддин ШАРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

→ 3

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ТАНЛОВ

Юртимиз опера санъати шинавандалари ниҳоятда катта ва нуфузли санъат байрами арафасида турибдилар. Пойтахтимиз Тошкентда 23-29 ноябр кунлари италян операси ёш ижрочиларининг “Competizione dell’Opera” халқаро танлови бўлиб ўтади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Австриядаги “Competizione dell’Opera” халқаро танлов ассоциацияси, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри ҳамкорлигида ташкил этилаётган мазкур тадбирда Европа, Россия, Австралия, Африка, Жанубий Америка ва Осиё китъасидан йигирмадан ортиқ давлатларнинг дастлабки эшитув босқичидан муваффақиятли ўтган ёш опера ижрочилари қатнашади.

— Танловнинг дастлабки босқичлари Пекин, Москва, Владивосток, Санкт-Петербург, Лейпциг, Дрезден, Сеул, Будапешт, Буэнос-Айрес, Бонн, Вена, Линц, Улан-Удэ шаҳарларида ўтказилган, — дейди катта театр директори Бахтиёр Ёқубов. — 23 ноябр кунлари ўтаётган дастлабки эшитув босқичида муҳлислар мумтоз италян опера санъати на-

муналари, буюк классик композиторлар асарларидан баҳраманд бўладилар. Иштирокчиларнинг чиқишларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боради. Улар орасида Германия, Австрия, Озарбойжон, Буюк Британия, Италия, Россия, Хитой, Ўзбекистон каби мамлакатлар опера санъатининг кўзга кўринган намояндалари бор.

Маълумки, танловнинг 2011 йилги якуний босқичи Москвада, 2012 йилги Белорус Республикасида, 2013 йил Австриянинг Линц шаҳрида ўтди. Навбатдаги якуний босқичга мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри танланган бежиз эмас. Зеро, кейинги йилларда юртимизда санъат ва маданиятга, ҳусусан, опера ва балет санъатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбек опера санъатининг ёрқин намояндалари ва истеъдодли ёш ижрочилари жаҳоннинг нуфузли тан-

ловларида муваффақиятли қатнашиб, таниқли мутахассислар эътирофига сазовор бўлиб қайтмоқдалар. Ёш Ўзбек опера устаси Раҳим Мирзақамоллов, 2012 йил биринчи мукофоти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рамиз Усмонов 2013 йил иккинчи мукофоти қўлга киритгани фикримиз далилидир.

Танловнинг дастлабки эшитув йўли Ўзбекистон давлат консерваториясида, ярим финал ҳамда финал босқич “Туркисон” санъат саройида бўлиб ўтади. Фалиб ва совриндорлар иштирокидаги гала-концерт эса Халқаро анжуманлар саройида ўтади. “Competizione dell’Opera” халқаро танловининг пойтахтимизда ўтказилиши, шубҳасиз, Фарб ва Шарқ маданиятларини янада яқинлаштиришига, ўзаро тажриба алмашиш ва маданий алоқаларнинг мустаҳкамлашишига сезиларли хисса бўлиб қўшилади. Шу билан бирга, Тошкент нафақат Марказий Осиё, балки Шарқ маданияти марказларидан бири эканини яна бир бор намён этади.

Наргиза АҲМАДЖОНОВА,
консерватория
магистранти

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ДОВРУҒИ сайёҳлар оқимини кучайтиради

Истиқлолга эришганимиздан сўнг жаҳон халқлари орасида нафақат Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкорлик имкониятлари, балки маданий бойликлари қизиқиши ҳам ниҳоятда ортиди. 2001 йилда Самарқанд шаҳри ҳамда шу ҳудудда жойлашган кўплаб тарихий объектлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. 2014 йилда Самарқанд жаҳондаги инсон умри давомида бориб кўриши шарт бўлган элликта шаҳар қаторида қайд этилди.



Муҳтарам Президентимиз давлатимизнинг туристик салоҳияти юқорилигини алоҳида таъкидлаб, “Ўзбекистоннинг дам олиш ва саломатликни тиклаш имкониятлари саёҳат маршрутларининг хилма-хил турларини ташкил этишга ва саёҳатчиларни бутун йил давомида қабул қилишга шaroит яратди”, деган эдилар. 2014 йилнинг 3-4 октябр кунлари Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг айнан Ўзбекистонда ўтказилиши жаҳон туризмда юртимизнинг мавқеи қай даражада эканлигини яққол кўрсатиб берди. Мазкур халқаро анжуманда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти котиби Талеб Рифаи ўз нутқида замонавий аэропортлар ва темир йўл коммуникациялари, меҳмонхона ва ресторанлар тармоғини янада ривожлантириш, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг сайёҳлик жозибадорлигини оширишини айтиб ўтди.

Туризмни ривожлантиришда адабиёт ва миллий маданият тарғиботи катта ўрин тутди. Зеро, миллий адабиёт таржимаси орқали мамлакатга қизиқиш ортиган хориқликларда шу юртининг тарихий обидалари, маданияти ва турмуш тарзи билан танишишга иштиёқ кучаяди. Соҳанинг ривожини учун нафақат туризм ва сервис йўналишида фаолият юритувчи мутахассислар, балки тилшунос ва таржимашунослар ҳам жалб этилса, мазкур йўналишда жаҳон стандартларидан кам бўлмаган муваффақиятли фаолият юритиш имконияти юзага келади.

Давоми иккинчи саҳифада.

ИФТИХОР ТИМСОЛИ

Тантанавор хилпираётган юрт байроғи, унинг қаршида қўлини кўксига қўйган ёшларни ҳар сафар кўрганимизда қалбимиз ифтихорга тўлади. Буларнинг бари Ватан эконлиги тимсоли, аждодлар орзусининг руёби озондиган кувонамиз. Гурурга, ифтихорга тўла ана шу туйғулар ёлқини Тошкент педагогика коллежидagi бадиий кечада иштирок этган ёш авлод вакиллари нигоҳларида ҳам кўриш мумкин эди. 18 ноябр — Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда коллеж ўқувчилари, “Нихол”, Зулфия номидаги Давлат мукофотлари соҳиблари, шоир ва ёзувчилар, илм-фан ва маданият намояндалари иштирок этишди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ғафур Ғулום номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида ташкил этилган кечада йилгиланлар эътиборига “Баланд хилпирайвер, юртим байроғи” мавзусида адабий чиқишлар ҳавола этилди. Тадбир доирасида давлат рамзларига бағишланган танлов ҳам ўтказилди. Эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури, ватанпарварлик, юртга муҳаббат мавзусидаги қуй-қўшиқлар кечага файз бағишлади.

Моҳигул САЛИМОВА

Кўргазма залларида

Пойтахтимиздаги Икю Хираяма Халқаро маданият карвонсаройида Олга Лобанованинг Япония мавзусидаги шахсий кўргазмаси очилди. О.Лобанова аслида Тошкент Шарқшунослик институтининг филология факультетини тугатган. Токиодаги чет тиллар университетида ма-

ЯПОНИЯ МАФТУН ЭТАДИ

лака оширган. У фотосуратчилик сирларини ус-този, таниқли фоторассом Александр Шепелин-дан ўрганган. 2010 йили Токио университети фотоклубида ўтган кўргазмада қатнашиб, Тошкент фотобиенналесидида қумуш медал билан тақдирланган. Бундан ташқари, Ёшлар ижод саройи, Маданият карвонсаройи, қисқа метражли кино ҳафталиги доирасида шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Бир юз қирққа яқин фотосуратлар намойиш этилаётган бу галги кўргазмада муҳлислар Япония архитектураси, одамлари, табиати, аъёнчалари ва маданияти билан танишишлари мумкин.

Муҳими, муаллиф одамлар ўртасидаги жонли муносабатларни маҳорат билан суратга олиб, томошабинни японларнинг кундалик турмуш тарзи билан ошно қилишга эришган.

Бошланиши биринчи саҳифада.

"Лисон ут-тайр" асарининг поляк таржимаси ҳақида тўхталганда, аввало, ушбу мураккаб ва мукаммал асарнинг айрим ўринлари насрий, айрим бандлари эса назмий негизда ўтирилганига эътибор қаратиш жоиз. Китобнинг бошида таржимон томонидан "Низомиддин Алишер Навоий" ва "Тасаввуф" сарлавҳали мақолалар берилган.

Китоб охиридаги лугатда Алишер Навоий яшаган замон ва макон билан боғлиқ тарихий шахслар, географик жойлар номлари, тасаввуфга оид айрим истилоҳларга изоҳлар мавжуд. Шунингдек, таржимон фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхати ҳавола этилган. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, Алишер Навоийнинг ушбу фалсафий-тасаввуфий асарини ўқиш ва ўрганиш ҳамда бадий завқ олиш борасида поляк китобхонларига жуда кўл келади, деб ўйлаймиз.

Таржимон ҳақида икки огиз сўз.

Я.Кжижовский 1939 йилда Польшанинг Лодз шаҳрида туғилган. Шу шаҳардаги Тиббиёт академияси ва Варшава университетининг фалсафа факультетини тахсил олган. Берлиндаги (Германия) Гумбольт университетини 1964 йили — магистр, сўнг эса фан доктори илмий даражаларини ёкла-

сайёҳ ҳамдир. Шарқнинг Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Умар Хайём каби улуғ шоирлари асарларини таржима қилиш ва нашр этиш билан шуғулланиши, айниқса, диққатга сазовор. Хусусан, Я.Кжижовский томонидан 2013 йили Алишер Навоийнинг дилбар газалла-

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” ПОЛЯК ТИЛИДА

ган. 1971 йили Мумбай шаҳрида (Хиндистон) замонавий тиббиёт соҳасида тахсилни давом эттирган. Маърифий-тарбиявий фаолияти учун 1986 йилда "Олтин хоч" мукофоти билан тақдирланган.

Я.Кжижовский Польшанинг Ер туғрисидаги фанлар жамияти аъзоси ҳисобланади. У гоёт шинаванда

ридан бир туркуми ўзбек ва поляк тилларида мухтасар китоб ҳолида босилган. Бундан ташқари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур назмий жаҳоирларидан намуналар поляк тилига таржима қилиниб, Варшавада тўплам шаклида чоп этилган.

Буларнинг бари бежиз эмас, албатта. Зотан, навоийшунос олимла-

римиз ҳақи эътироф этганларидек, Навоий мероси жаҳон адабиёти номияндаси Хомер ва Данте, Румий ва Ҳофиз, Шекспир ва Пушкин мероси сингари буюқдир. Шу боис ўз ҳаёти ва ижоди билан Машириқу Мағриб халқлари маданиятини ўзаро яқинлаштирган улуғ шоир ва мутафаккирнинг ноёб асарларини дунёнинг турли тилларига таржима қилиш, нашр этиш, оммалаштириш, бу борадаги ҳар қандай хайрли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш том маънода давр талабига айланди.

Алқисса, Алишер Навоий қаламига мансуб "Лисонут-тайр" достонининг таниқли поляк таржимони Януш Кжижовский саяёҳ-ҳаракатлари билан таржима қилиниб Польшада нашр этилгани буюк ажодларимиз бой маънавий меросини жаҳон миқёсида ўрганиш йўлида қўйилган яна бир хайрли қадам бўлди.

Акмал САИДОВ,
профессор

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бугунги кунда дунё тажрибасида туризмнинг кўплаб йўналишлари мавжуд. Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, сўнгги йилларда, айниқса, гастрономик туризм жадал сурьатлар билан ривожланиб бормоқда. Дунё бўйлаб миллионлаб сайёҳлар миллий ошхоналар, миллий таомларни ўзлари учун кашф этиш мақсадида саёҳатга чиқмоқдалар. Бироқ бугунги кунда жаҳонда катта муваффақият қозонаётган гастрономик сайёҳлик соҳаси бизда у қадар оммалашмаган.

2013 йил апрел ойида пойтахтимизда ўтказилган "Дам олиш дунёси — 2013" халқаро сайёҳлик кўргазмасида дунёнинг 12 давлатидан 45 та туристик ташкилот иштирок этди. Илк маротаба ташкил этилган кўргазма "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва "Буюк Ипак йўли" реклама агентлиги ҳамкорлигида амалга оширилди. Кўргазма доирасида соҳа мутахассислари учун кўплаб тадбирлар, жумладан, гастрономик туризм масалаларига ба-

фоиз самара бериши аниқланди.

Модомики реклама ва брошюраларни тарғиб қилиш, маълум ҳудуднинг гастрономик туризм имкониятларини ёритиб бевучи веб-саҳифаларини тарғиб этиш яхши самара берар экан, мазкур йўналишнинг муваффақиятли фаолият юритиши нафақат иқтисодчи, программачи ва туризм-сервис саноати вакиллари, балки тилшунос ва таржимашунослар зиммасига ҳам муайян вазифаларни юклайди. Зеро, халқимизнинг озиқ-овқат билан боғлиқ лисоний-маданий тушунчаларини хорижий тилларга муқобил тарзда таржима қилинмаса, миллий ошхонамиз билан боғлиқ ўзбек миллиялатига хос бўлган рамзий сўз ва тушунчалар сайёҳлар онгига тўлиқ етиб бормайди. Ўзбек гастрономик олами манзарасини лисоний тадқиқ қилиш орқалигина миллий таомларимиз номланишидаги услубий хусусиятларни ўрганиш мумкин. Зеро, гастрономик туризмнинг асосини миллий ошхона неъматлари рекламаси, миллий ошхонада маҳорат дарслари ўтказиш ва муайян таомнинг тайёр-

си мушкуллик туғдиради. Бинобарин, "Жиззах сомаси" ибораси хорижлик сайёҳ учун ҳеч нарсани аниқламайди. Инглиз тилида замонавий талабларга жавоб берадиган ўзбек миллий ресторанлари таомномаларини тайёрлаш жараёнида таом номларини хорижий тилга шунчаки транслитерация (ҳарфма-ҳарф кўчириб ёзиш) эмас, балки уларнинг хусусиятлари ва тайёрланиши назарда тутиб, рекламалари изоҳларини бериш керак бўлади.

Инглиз таомлари орасида ҳам муайян ҳудуд номи билан боғлиқ бўёқдорликка эга таомлар мавжуд: New Mexican flat enchiladas, New England clam chowder, California roll каби. Аммо ўзбек ва Европа миллий таомлари номлари ўртасидаги сезиларли фарқ шундаки, АҚШ ва Англия таомлари номларида асосий ургу таом учун ишлатилган масалликлар ва тайёрлаш жараёни манзарасини жонлантириш орқали ҳўрандининг иштаҳасини очишга қаратилади. Масалан: Peanut fried sandwich (ерёнгёқ ва сарёғли сендвич), Fried chicken and waffles (қовурилган жўжа ва вафли), Green chili stew (димланган яшил аччиқ қалампир), Chocolate chip cookies (шоколадли печенелар), wild mushroom, chestnut and thyme risotto (ёввойи кўзқорин, каштан ва тимьянли ризотто).

Бироқ ўзбекча "димлама" таоми, гарчи гўшт, сабзавотлар ва зираворлар қўшиб тайёрланса-да, қисқина "димлама" сўзи булар ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди. "Ахабсанда" таоми номи эса тайёрланиши ва таъми жиҳатдан ўзига хослигига қарамай, хорижлик сайёҳнинг иштаҳасини қитқилмаслиги мумкин.

Замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири тилнинг муайян қатламларида учрайдиган озиқ-овқат билан боғлиқ лисоний атамаларнинг — глутоник дискурсларнинг ижтимоий, маданий, антропологик, семантик хусусиятларини ўрганишдан иборат. Шунингдек, адабиётда ҳамда ижтимоий-маиший соҳаларда учрайдиган бундай атамаларнинг қўлланиш доирасини тадқиқ қилиш, уни қайта яратишда аслият ва таржима тилларининг лисоний имкониятини қийёсий қочиштириш замонавий таржимашуносликда кенг ўрганилаётган муаммолардан ҳисобланади. Зотан, глутоник дискурс маълум бир халқ маданияти, адабиёти, турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, нафақат жамиятнинг ижтимоий-маиший қатлами, балки миллий адабиётда ҳам учрайди. Бадиий таржимада миллий маданиятни қайта яратишда гастрономик реализмларни узатиш муаммоси ниҳоятда долзарбдир. Шунингдек, ўзбек халқи дунёқарашида асрлар давомида сақланиб келаётган "туз еган жойга қирқ кун салом бермоқ", "луқмаи ҳалол", "миннатсиз ош", "бировнинг нон-тузига хиёнат қилмаслик", "меҳмонга ош-сув туттиш" каби ўзбек миллиялатига хос бўлган рамзий сўз ва тушунчаларни таржимада қайта яратиш жараёни замонавий тилшунослик ва қийёсий таржимашуносликнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда тил ва таржима нафақат миллат адабиёти тарғиботида, балки мамлакат иқтисодиётининг ўсишида ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Хорижлик сайёҳларга хизмат кўрсатувчи замонавий ресторан таомномалари, сайёҳлик шаҳарларида фаол янгилаётган савдо марказлари озиқ-овқат маҳсулотлари ёрлиқлари таржимасини тез ва қулай амалга ошириш учун телефон ва айпадарлар учун мўлжалланган лугат, икки тилли визуал андроид лугат дастурларини яратиш ҳам гастрономик туризмнинг ривожланишига хизмат қилади.

Санжар ДАВРОНОВ,
Тошкент ахборот технологиялари
университети
Қарши филиали декани

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ДОВРУҒИ

сайёҳлар оқимини кучайтиради

ғишланган илмий-амалий семинар ўтказилди. Семинар UNWTO Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти экспертлари ташаббуси билан уюштирилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, хорижий давлатлар-

ланиш жараёни билан таништирув саёҳати ташкил этади. Бу жараён миллий ичимлик ва миллий таомлар билан танишуви ўз ичига қамраб олади. Гастрономик саёҳатни, тўғри ташкил қилиш учун, аввало, хорижликлар тафаккурида бутун озиқ-ов-



нинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳамда турли давлатлар сайёҳлик компанияларидан ташриф буюрган меҳмонлар — юздан зиёд иштирокчилар қатнашган илмий-амалий анжуманда жаҳон сайёҳлик инфратузилмасининг бугунги ҳолати ва Ўзбекистонда гастрономик туризмни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Гастрономик туризм соҳаси ривож учун мамлакатимиз туристик шаҳарлари ҳамда кўп асрлик тарихга эга миллий ошхонамиз имкониятлари етарлидир. Ҳозирги пайтда юртимизда эллик мингдан зиёд ўринга эга бўлган беш юздан ортқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда. Бироқ бу йўналишда олиб бориладиган ишларнинг тақомиллашувида нафақат миллий маданий, тарихий қадимжолар, балки шу соҳада маркетингнинг қай қадармада йўлга қўйилгани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, гастрономик туризм хорижлик мутахассислар томонидан статистик ўрганилганда — соҳа муваффақиятининг 68 фоизи бозор имкониятларини тўғри ўрганиш билан боғлиқ экани маълум бўлди. Жумладан, ҳар хил кўнгилочар тадбирларни ташкил қилиш 91 фоиз, реклама ва брошюраларни тарғиб қилиш 82 фоиз, маълум ҳудуднинг гастрономик туризм имкониятларини тарғиб этувчи веб-саҳифаларини тарғиб этиш 78 фоиз, туристлар учун йўриқномалар тайёрлаш ва тарқатиш 61

қат билан боғлиқ лисоний атамаларнинг ўрнини тадқиқ қилиш, ўзбек миллий таомлари номланишдан тортиб тайёрланиш жараёнини қамраб оладиган флайерлар (рангдор чегирмали реклама тақлифномалари), буклетлар, саёҳат тавсифномалари, веб-саҳифалар учун эълонлар тайёрлаш лозим бўлади. Бу каби ишлар, асосан, инглиз тилида амалга оширилади. Бунинг учун эса тил билишнинг ўзи кифоя эмас. Инглиз ва ўзбек тилларида таомлар билан боғлиқ ассоциатив тушунчалар, икки тилдаги таомномалар тайёрлашнинг услубий жиҳатларини қийёсий таҳлил қилиш бу борадаги ишларнинг савиясини оширишда қўл келади. Зеро, ўзбек миллий таомлари номланиши Америка ва Англия таомлари номларидан ўзининг содда ва қисқалиги билан тубдан фарқланади.

Масалан, ўзбек миллий таомларини оладиган бўлсак, уларни: ҳудудий қолоритга эга (Жиззах сомаси, Қашқадарё жизи, Ѓиждудта қабоби, Қўқон палови ва ҳоказо); тайёрлаш жараёнини ўз номида мукжассам этган таом номлари (қийма қабоб, чўзма лағмон, димлама, қайнатма шўрва); маълум бир нарсасга қочиштириш орқали номланган таомлар номлари (гулхоним, беш панжа қабоб, қуш тили); номланишида таркибидаги маҳсулотни фойдаланган таомлар (кўк сомса, жигар қабоб, туҳум дўлма, мошқичири) каби бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Миллий таомлар номини ўғирлашда муайян қийинчиликлар, яъни реализмлар таржима-

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

ҲАЁТИДАН МАМНУН ОДАМЛАР

Оролбўйи деганда синовлардан шараф билан ўтиб, истиқлол шарофати ила янги тараққиёт, оксалиш, ўзлигини намоён қилишнинг ёрқин уфқлари сари дадил ва шахдам одимлаб бораётган бетакрор диёр одамлари кўз олдингизга келади. Ҳақиқатан ҳам бунёдкорлик манзаралари, ислохотлар самараси ўлароқ, тобора ўзгариб бораётган Қорақалпоқ диёридаги ўзгаришлар одамлар онгидagi эврилишларга сабаб бўлаётгани беихтиёр кишига завқу-шавқ, илҳом бахш этади.

Ана шундай юксак туйғулар оғушида кўҳна ва навқирон Қорақалпоғистон тупроғига қадам ранжида қилар эканмиз, улуғ шоиримиз Ибройим Юсуповнинг "Эсар Жайхун шамоллари" дилномаси қулоқлар остида жаранглагандай мутаассир қилади кишини. Мана шундай туйғулар оғушида теварак-атрофда бўлаётган ибратга молик бунёдкорликларга маҳлиё, маромида қетаётган ишларга ошуфта бўлиб йўлимиз давом этади. Одамни қувонтирадиган жойи шундаки, мустақиллик бахш этган бунёдкорона руҳни нафақат республика миқёсида, балки биргина Эллиққалъа туманида олиб борилаётган диққатга сазовор ишлар тимсолида кўриш, мамлакатимиз раҳбарининг халқ фаровонлигини кўзлаб олиб бораётган халқчил сиёсати изчил ҳаётга татбиқ қилинаётганини ҳис этиш қийин эмас.

"Ватан остонадан бошланади", деганларидек, Эллиққалъага қираётган имизини эслатувчи тумanning ўзига хос гурурбахш дарвозасидаёқ бу жаннатмакон гўша тароватини сезиш, оҳанрабо нафасини ҳис этиш қийин эмас. Хар қадамда давримиз руҳи, истиқлол шукруни англатувчи панноларда, учраган одамлар муомаласида, йўл бўйларида табассумни чехрасига жо қилган гуллар хандасида бу ҳудудда маънавият ва маданиятга эътибор барқ уриб турибди.

Эллиққалъада бизга хуш ёққан ҳолатлардан биттаси шуки, бу ерда ҳамма соҳа бирдек ривожланишда. Каттаю кичик — ҳамма ўз юмуши билан банд. Деҳқон деҳқончилик, бог-бон сохиборчилик, шифокор муолажа, қўйингки ҳар бир соҳада баб-баравар изланиш, интилиш, эртанги кунга умидворлик ва ишонч туйғуси ҳукмрон. Пахтадан бўшаган майдонларни ғўзалояндан тозалаш, ҳайдовнинг жадаллаштириш, ғаллани суғориш, шўр ерларга яқоб бериш, кузги ҳайдов, бог ва тоқзорларга кузги-қишқи парвариш каби юмушлардан бош қашшишга вақт бўлмайдиган кунларда тўй тўйлашнинг ҳам ўзгача завқу гашти бор.

Президентимиз иборалари билан айтганда "Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун, унинг бахт — садодати учун, фаровон келажаги учун", деган тамойилни қуқур ҳис этиб, ҳаммаша изланиб, интилиб яшаётган меҳнатсевар одамлар даврасига ташриф буюрар эканмиз, бу йилги ййим-терим мавсумини уюшқоқлик билан тез ва соз фурсатларда

дўндирган эллиққалъаликларнинг азму шижоати боис, туманда барча соҳа бирваракайига ривож топаётганига ана бир қарра шохид бўлди.

Кузги кўчат ўтказиш, янги музика ва санъат мактабининг очилиш тadbирлари машҳур ижодкор ва санъаткорлар иштирокидаги назм ва наво кечалари одамлар ғайратига ғайрат қўшаётди. Қуёш бутун борлиқни мунаввар этганидай, истиқлол аталмиш энг улуғ, энг азиз неъмат бутун Ўзбекистонимизни нурафшон этаётганидан бахаворлик туйғуси қалбларимизни мунаввар этади. Айниқса, уста фермер, ўзининг 200 гектар ери, отчилик хўжалиги, пишлоқ ва музқаймоқ ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлган Шамсиддин Фахриддинов билан фикрлашиб, бадавлат, ғайратчан замондошларимизнинг яхлит тимсолини кўргандай бўлди. Энг замонавий русумдаги автомашиналар, намунавий лойиҳа асосида қурилган шинам уй-жойлари, муҳими, ҳалол ва фидокорона меҳнати эвазига шаҳардагидан ҳам яхши уйларда яшаётганидан воқиф бўлди. Ҳа, ўз ҳаётидан мамнун одамлар жўшиб ишлайдилар, яйраб яшайдилар, илҳом билан ижод қиладилар.

Бўлсин кўз олдимда яққол намоён Десағиз ажодлар шўҳрати-шони — Одимлаб муқташам қалъалар томон, Ҳис этинг уларда балқанган маънони. Сизмоқчи бўлсангиз шу хуш паллани — Оҳиста сайр айланг Эллиққалъани.

Қалъалар тўғвоқ бу халқнинг тарихи Парийдан кўҳнароқ, Римдан кўҳнароқ! Биргина Хоразмий зотлар таърифи Арзийли дунёга бўлмоқда маёғ. Ҳар битта қалъада ниҳон минг маъни — Оҳиста сайр айланг Эллиққалъани.

Бундаги икки юз эллик уч қалъа Ҳар бири битта чўнг қасида, дoston. Муҳими шуки, шу сахройи дала Қарьида ушбу халқ кашф этиши Бўстон. Кўргайсиз энг дуркун гулли, долани — Оҳиста сайр айланг Эллиққалъани.

Биринчи фазогир биздан, дафъатан Арзийли айтсак жар солиб дунёга: Ўзгалар эмас, илк Аёзқалъадан Жаҳарий закоси учган самога! Яна кўп жумбоққа жавоб топгани — Оҳиста сайр айланг Эллиққалъани.

Истиқлол аталган олий неъматни Энг овлоқ жойда ҳам тимсолари бор: Юрдаги тинч турмуш, қадр-қимматин Бахтиягин сизмоқ-чун саёҳат даркор. Кезиб ҳар шинам йўл, уй, маҳаллани — Оҳиста сайр айланг Эллиққалъани.

Зиёвуддин МАНСУР

МУМТОЗ ШОИРНИ ЭСЛАБ

Шарқ мумтоз шоири Абдурахмон Жомий ижоди жаҳон халқлари адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Шу кунларда Алишер Навоий бобомизнинг яқин дўсти ва маслакдоши Абдурахмон Жомий таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган "Мавлоно Жомийни эслаб" мавзуидаги бадий кечада академик Азизхон Қайюмов ҳамда филология фанлари номзоди, профессор Зокиржон Орипов маърузалари тингланди.

Олимлар буюк шоир ижодида баҳо беришар экан, аллома музика санъати ривожига ҳам алоҳида ҳисса қўшганига эътибор қаратишди. Жумладан, Абдурахмон Жомийнинг "Музиқий рисола"-си дунё олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётгани таъкидланди.

Тадбир давомида мумтоз шоир ғазаллари асосида яратилган машҳур ашулалар ҳам янгради. Халқ хофизлари Маҳмуджон Тожибоев, Эркинжон Рўзиматов, "Ниҳол" мукофоти совриндори Гулзода Худойназарова каби санъаткорлар ижросидаги мумтоз наволар тадбир фазига фазиз қўшди.

Феруза ОБИДОВА

ФАРҒОНА

Фарғона политехника институтини "Қамолот" ЁИХ ташаббуси билан ўтказилган "Сайлов ва ёшлар" форумида ёш ижодкорлар фаол иштирок этишди. "Қирғули" маҳалла фуқаролар йигинидаги маънавият марказида "Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури" доирасида "Ватан келажиги сенинг қўлингдан!" тағрибот лойиҳаси асосида маънавий тадбир бўлиб ўтди.

Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими "Олтин қалам" адабий тўғараги ўтказган мушоирада Кува туманидаги "Надимий" адабий тўғарақ аъзолари ҳам иштирок этдилар.

Риштон тумани Зоҳидон қишлоғида жойлашган Педагогика касб-ҳунар коллежиде ёш ижодкор А.Абдуқодиров билан учрашувда Ватан мавзусидаги шеърлар жаранглади. Фарғона шаҳар "Қамолот" ЁИХ шаҳар бўлимида ёшлар клубини ташкил этиш ва истеъдодли

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимларида

ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

САМАРҚАНД

"Устоз ва шогирд мактаби" наизг набватдаги машғулотиде пайриқилиб ёш шоир Темур Рашиднинг янги шеърлар тўплами муҳокамаси бўлиб ўтди. Муалланнинг халқ оғзаки ижодида унумли фойдалангани, қишлоқ манзаралари ва одамлари

ҳаётига оид мавзуларнинг ёритилиши ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда "Садокат" шеърят тўғарагининг аъзолари ва адабиёт ихлосмандларини иштирок этишди. Шунингдек, самарқандлик истеъдодли шоир Хуришд Нуруллаевнинг яқинда чоп этилган "Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир" номли янги китоби тақдироти бўлди.

Нарпай туманидаги "Ўзбекис-

тон" маҳалласида бўлиб ўтган "Назм ва наво" кечасида таниқли шоир Фармон Тошев мамлакатимиз тараққиётида эришилган ютуқлар, бугунги адабий жараён, янги китоблар ҳақида сўзлади. Самарқанд шаҳридаги 34-умумтаълим мактабиде "Самарқанд — азалий буюклик маскани" номли адабий тадбир ўтказилди. Самарқанд шаҳрида кейинги йилларда олиб борилаётган бунёдкорлик ва

ободончилик ишлари, бўлиб ўтган халқаро тадбирлар аҳамияти, самарқандлик ижодкорлар ва уларнинг шаҳар тарихига бағишланган асарлари тадбирнинг асосий мавзуси бўлди. Қадим ва навқирон шаҳар мадҳига бағишланган шеърлар ўқилди.

НАВОИЙ

"Қизилтепа тонги" газетаси ижодий жамоаси, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ходимлари билан ҳамкорликда тумандаги Тавоис, Ванғози касб ҳунарколлежларидаги ахборот-ресурс марказларида ёш китобхонлар

билан учрашув ўтказди. Навбахор туманидаги "Баркамол авлод" болалар ижодиёти марказида "Конституциямиз — бахтимиз" мавзуида ўтказилган давра суҳбатиде тарих фанлари доктори, профессор Сайбулла Темиров, шоирлар Бобокан Мирзо ва Бахриддин Садриддиновлар Конституция-мизнинг юксак моҳияти ҳақида сўз юритишди.

Шундай адабий-маърифий учрашувлар Хатирчи ва Қонимех туманларида ҳам ўтказилди.

Ахборот хизмати.

Ойдин ҲОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири

ХАР ЭШИКДАН БИР ОФТЮБ

ОСТОНАНГНИ
ЎПИБ ЎТ

Ватан надир — бир бурда
Тотинган ҳалол нонинг.
Асли — азал тақдирда
Паноҳ бўлган осмонинг.

Ватан нима — пойингни
Ўшган майса — гиламлар.
Қуларингни, ойингни
Боғ айлаган кўкларлар.

Ватан асли сен билан
Бир тушган остонанг.
Илк бор эшитган алланг,
Сўнг бор қузатган онанг.

Хар кун шу остолага
Бир эгилиб, ўпиб ўт.
Меҳрингни, ихлосингни
Исириқдай сениб ўт.

Тоғлар қовурғасида
Тунаган баҳор — Ватан.
Зирва дубулғасида
Қанот ёйган сор — Ватан!

Юракнинг дов қуввати,
Кўнглининг кўзи — Ватан.
Элу юртининг келбати,
Сўзларнинг тузи — Ватан.

Ватан — покиза номинг,
Мартабанг, шон — доврўгинг.
Ватан — номус, имонинг,
Ватан асли бор йўгинг.

Тил остида гавҳартош
Асраб юрганинг — Ватан!
Йўқотсанг ҳеч топиламас
Асл маъданинг — Ватан!..

ТОЛЕ

Қандай яхши ҳабиб кўзларинг кўрса
Офтубнинг тирик рангларин.
Қулоғингда жаранглаб турса
Тирикликнинг шўх оҳанглари!

Булоқлар қизганмай тоза сувини,
Опиқлаб юрсалар шу бобо йўллар.
Пешвозинга чиқса севиб, севишиб,
Ўлан-тўшагингдай манзиллар.

Шабала тегинса бармоқларинга
Рухинга ёғилса ором, фароғат.
Қалдирғочлар қошу қабоқларинга
Ёзиб ўтса саҳар фажрдан оят.

Қандай толе — соғлом юзларда
Осмон жамолдан тушган нур кўрсанг.
Ортинга қарасанг, қолган изларда
Ҳаёту умрининг обод, ҳур кўрсанг!



КУЗ ЧИЗГИЛАРИ

Ҳаво майин. Офтоб
Кўнглига хуш ёқади.
Кузнинг баҳмал ҳавоси
Томирларда оқади.

Чинорларнинг баргида
Куннинг бўсаси бордир.
Ариқларнинг лабида
Кузнинг хандаси бордир.

Бужур тоқлар энкайиб,
Ерга ёнбошласам, дер.
Оқ тераклар кеккайиб,
Бир ғазал бошласам дер.

Палагида нозланиб
Ётар ойимқовоқлар.
Пуштада пардозланиб
Гул тиканини кучоқлар.

Турналарнинг изини
Мучилайди шамоллар.
Осмоннинг оқ бўзини
Безар булут — хаёллар.

Қашгалларнинг мевасини
“Туй-туй” қилар зағчалар.
Ўтар кузнинг теvasи
Юкларни — зар бўғчалар.

Зар қаламли куз бўяр
Боғларни минг хил рангта.
Юрагимда гуриллар
Ҳаёт деган аланга.

Юракдан сўрадим.
— Ёнар гулман, — деди.
Виждондан сўрадим.
— Қулмисан, — деди.
Иродамдан сўрдим.
— Бегимсан, — деди.
Иймондан сўрадим.
— Элимсан, — деди.
Ҳақиқатдан сўрдим.
— Синглимсан, — деди.

Севгимдан сўрадим.
— Мунглимсан, — деди.
Оловдан сўровдим,
— Қулмисан, — деди.

Бўзчи юраверар бўзини тўқиб
Қашгалдўз гул йўрмадўзини тўқиб,
Тошлар чечак бўлди сўзинини ўқиб,
Эй, сўзона дил!

Сабот тиланурсан капалаклардан,
Болишлар қурайсан камалаклардан,
Таъм олганим шеъринг хандаклардан,
Эй, мастона дил!

Ажалнинг лабидан бол тотдинг қачон,
Уйқудаги девни уйқотдинг қачон,
Билқисдай узутинг йўқотдинг қачон,
Эй, вайрона дил!

Зарафшон сирлари қалбингда оқди,
Рухингда чилтанлар чироғин ёқди,
Ҳижрон остонангда чодирин қоқди,
Эй, сирхона гул!

Совқотиб саратон, жавзоларида,
Харидор излаб ишқ савдоларида
Жон тикдинг муҳаббат ғавғоларида,
Эй, ҳайрона гул!

Оҳларинг машғала қилиб тун ичра,
Бешафқат, бевафо бу гардун ичра,
Борурсан зулмату нур афсун ичра,
Эй, ғамхона гул...

ҲАЁТ

Шовулар шохруҳий чинорлар.
Шохларда кумридай чуғурласам,
Чўнг умр сирларини ўғирласам,
Улкан томирини сўғориб оққан
Чашмага қўшилиб жўр бўлсам,
Япроғига нур бўлсам,
Ҳаёт шан қуйласа томирларимда!..

Бош ёргувчи тил бўлма,
Тош ёргувчи гул бўлгил.
Номардларга эгилма,
Жўмардларга эл бўлгил.

Йўл йўқотган кемага
Халоскор соҳил бўлгил.
Беморларга Машрабу,
Бедорга Бедил бўлгил.

“Тоғларда кўрдим тўтини,
Боғларда кўрдим патини”.

Ойдин ҲОЖИЕВА 1942 йилда туғилган. ЎЗМУ журналистика факультетини тамомлаган. “Манзиллар”, “Онам севган кўшиқ”, “Мушфиқ онажон”, “Ишонч юлдузлари” сингари ўлтизга яқин шеърӣ ва насрий китоблари чоп этилган.

Ҳеч замонда топмадим
Излаб Ҳумонинг сутини.

Тангридан эҳсон умрга
Назр айлаб кўнгил ўтини.
Билмадим, кўмдим қачон
Қалбимга ишқ тобутини.

Гиря айтар устида
Ўтган умрининг тутуни.
Қош-кўзимда оқариб,
Қолди қат-қат кўюни.

Мен оқар сувларга отдим
Хотира — дил қутини.
Тоқатим йўқ тингласам
Кўнглини ўртар тўтини.

ТОНГ ТАРОНАСИ

Тун ярмидан оғар.
Юлдузлар
Бирин-кетин сўна бошлайди.
Ғарқ уйқудан ангор — андизлар
Керишиб уйғона бошлайди.

Атиргуллар бол косасига
Шудринг ёғар билдур каби соф.
Тонг шамолин майин рақсига
Жўр бўлади майсазор атроф.

Чирилдоқлар тўхтатар машқин,
Ғижжагига дам берав саҳар.
Булбулларнинг келтириб рақсини,
Сайраб қолар сурбет майналар.

Юлдуз каби тонг саҳнасига
Анбар сочиб чиқар келинчақ.
Олма гулин алангасида
Орзулари учар беланчақ.

Сигирини ийдирад келин,
Сут тушади челаққа “пов-пов”.
Елкаси-ла битта кокилин
Ўпиб ўтар еллар бесўров.

Газўчоқни ёқар нозанин,
Сўнг супурги олар қўлига.
Офтоб — чевар дарахтлар танин
Ўгиради палак гулига.


Жойнамозин ёяр бувижон
Элга тилар тинчлик, саодат.
Мўъжаз ҳовли шу катта жаҳон
Бағридаги кичик бир жаннат.

Кунгайгина деразалардан
Бир кучоқ нур қирав қаймоқдай.
Пастаккина дарвозалардан
Болакайлар чиқар тойчоқдай.

Ҳаёт қайнар тор қўчаларда,
Ҳар саҳфаси мўъжиза китоб.
Соқин сўлим бу гўшаларда
Ҳар эшикдан чиқар бир офтоб.

* халқ қўшиғидан.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ

ВАСЛИНГИЗ
ОРЗУСИДА
МАЪНАВИЯТ

Кўнгил бўстонларининг баҳори маънавият,
Ким ғафлат уйқусида — наҳори маънавият.

Доимо равнақдадир аҳли башар, эй дўстлар,
Жамият кўзмончоғи, тумори маънавият.

Кўрк эрур инсон учун доимо яхши амал,
Қадрият антиқаси, осори маънавият.

Бир ажаб либосдирким одамларнинг эғнида,
Тўқилмаган ҳеч қачон оҳори, маънавият.

Келажаги буюк бир мамлакат халқим қураар,
Бўлса Бойжигит шоир, ашъори маънавият.

САРВИНОЗ

Менга илк бор учрадинг гулзор аро, Сарвиноз,
Кўзларинг сурмасою қошлар қаро, Сарвиноз.

Юзинг тунни ёриттай, ҳажринг қариттай мени,
Паризодлар ҳам сендек бўлмади, о, Сарвиноз.

Ҳар кун бир кўргим келур, ҳолингни сўғум келур,
Меҳримни тортадирсан, оҳанрабо Сарвиноз.

Боғ ичинда тўтио кумри овози янграар,
Булбул ёнингга келди, бордингни ё, Сарвиноз?

Сўзларинг дардга малҳам, суҳбатинг жонга маҳрам,
Ахтарурман, қайласан, бергил сало, Сарвиноз?

Ушбу кун аҳволини Бойжигит баён айлар,
Икки кўзи тўрт бўлди келгунча то Сарвиноз.

БОРГИМ КЕЛУР

Меҳрингиз тортиб, ҳай-ҳай, ҳар замон боргим келур,
Соғинчдан бул юзларим зафарон, боргим келур.

Хат ёзиб чорладим кўп, юзланиб йўлга юз бор,
Не қилай, келмадингиз, сиз томон боргим келур.

Васлингиз орзусида эди жунбушда юрак,
Ҳажрингизда оқибат бўлди қон, боргим келур.

Не қилай, Гуландомин соғинган ул Баҳромдек,
Келгингиз ҳеч келмади, мен ҳамон боргим келур.

Мисоли Отабекман, Кумушини излаган,
Сизни йўқлаб эртага Марғилон боргим келур.

Бойжигит тушди йўлга, кутиб олгаймикансиз,
Сиз яхшиининг олдига мен ёмон боргим келур.

Б.АБДУЛЛАЕВ 1950 йилда туғилган. Сирдарё педагогика институтини (ҳозирги Гулистон давлат университети)ни тугатган. “Тоza рух”, “Тазарру манзили”, “Яшасин, муҳаббат”, “Муҳаббат оҳанглари” сингари шеърӣ китоблари чоп этилган.

Зулфия опа Тўра Сулаймон ижоди-
дан, ҳол-аҳволдан, оиласидан хабар-
дор бўлиб, мунтазам хатлар ёзишиб,
шоирни руҳлантириб турган. Сўзини
тасдиғи учун 1974 йилда битилган бир
мактубни келтирамиз:

“Хурматли Тўражон! Сизга ва оила
аъзоларингизга байрам муборак!

Мен Сизнинг садоқатли, покиза, ил-
ҳомли қалбингизни ҳурмат қиламан.
Мен сизнинг негизини ҳақон панада
қолиб келаётган, ўз негизини халқ қал-
бидан, қалбингиздан олади ва Сизнинг
жўшқин табиатингиздан олади, шулар-
дан яраладиган ижодингизни, ҳеч ким-
нинг қаламига ўхшамайдиган қаламин-
гизни ҳурмат қиламан ва яхши кўраман.
Нега кам ёзасиз? Юмушлар, таш-
вишлар кўпми? У кимда оз. Уларнинг
энг мушкулдан ҳам шеър ва ҳикоялар
югуриб олмақ дардида яшаймиз. Фа-
қат соғ бўлинса бас, қалам тебратишга
юрмак билан бармоқлар дош берса бас.
Соғ бўлинг, оилангизга салом айтинг.
Сизнинг Зулфия”.

Опаларча ғамхўрлик ва катта меҳр
билан битилган хатга Тўра Сулаймон
тўлиб-тошиб жавоб ёзади. Бу ҳақида
кейинги мақоламизда батафсил тўхта-
либ ўтамиз.

Азизбек АНВАР,
шоир

ЁРУҒ КУНЛАР МЕҲРИ

ни, шахс ва ижодкор сифатида шакл-
ланишида, шеърятда ўз йўлига эга
бўлишида опанинг ҳиссиёт бекис
эканлигини чуқур эҳтиром билан қайд
этади:

“Мен Зулфия опа ҳақида сўзламоқ-
даман. Ўз халқининг суякли фарзан-
ди, неча эл-элатларнинг ифтихори
саналмиш устозинг ҳақида бир нар-
са де, деган гапнинг олдидан ҳар қан-
дай шогирд ҳам хиёл довдираб қола-
ди. Бу — унинг ўз устозига бўлган
хурмат-этиқодидан. Таъзим ила та-
возеларидан. Одоб саклашидан. Гап-
ни узоқдан олиб келаётганимнинг
боиси ҳам ана шунда. Машқларим-
дан бирини Зулфия опага кўрсатган-
нимда, у кишининг аввал бир чими-
рилиб олганлари, сўнгра шундай де-
ганлари ҳали-ҳали ёдимда:

— Катта асарда кичик масалани
кўтарган қайда-ю, катта масалани ки-
чик асар орқали ўртага ташлаган қайда.

Мен нима ёзишим кераклиги, кан-
дай ёзишим кераклиги шу биргина
туғал гапнинг ўзидаёқ тўла-тўқис ай-
тилган эди. Бу гапнинг бўлиб ўтгани-
га ҳам ўн йиллардан ошиб кетибди”.
Тўра Сулаймон устозлари ўғитини

тўхталиб ўтганини Тўра Сулаймон
“Ёруғ кунлар эди, орти кунлар фарё-
ди” эссесидан ёдга олди:

— Сиз Она ҳақида, Она ер ҳақида,
қишлоқнинг ақлли кишилари ҳақида
ёзинг. Кўп билиб, кам ёзинг, — де-
дилар.

...Мен опанинг ҳақамлигини,
ўқтамлигини, бекамлигини ва бу си-
фатларнинг у кишига қанчалик яра-
шиб тушганини тушуниб етган эдим.
Ва бу киши билан юзма-юз гапла-
шиш, иш юзасидан муомала қилиш
учун менга ҳали бир неча қовун пи-
шиғи керак эканлигини ҳис этдим.
Кейинчалик бир-икки нарсам Зулфия
опага маъқул келиб, ўзлари буюрт-
ма-топириқ бера бошладилар.
Ўшанда ҳам ёзган нарсамни кўпроқ
Гулчехрахонимга қолдириб қайтар
эдим. Юзлашгани юрагим дов бер-
масди. Азбаройи опанинг сусти-са-
лобати, салтанати ўта баландлиги-
дан. Бу ўртада андиша деган нарса
ҳам бор, албатта”.

Зулфия опа тавсиялари билан Тўра
Сулаймон она ҳақида, она-ер ҳақида,
қишлоқнинг самимий кишилари
ҳақида ёза бошлайди. Ёзганда ҳам

қанчалар юксаклигини шоирнинг Зул-
фияхонимга билган қанча ҳафлар, эс-
селар бамишаранидан ҳам англаш
мумкин. Бир китобини Зулфияхоним-
га бағишлаган шеърининг сарлав-
ҳасидан келиб чиқиб, “Сизни эсла-
ман” деб номлаган. Шунингдек,
“Шамсиқамр” номли алоҳида қисса

Зулфия таваллудининг 100 йиллиги

ҳам ёзган. Ушбу қиссадаги айрим
саҳифаларни варақлаб ўтас:

“Агар мен атоқли адабиётшунос
бўлганимда, Зулфияхонимнинг шеъ-
рийтини қайта бошдан ўрганиб, катта
бир илмий асар ёзган бўлар эдим.
Агар мен назарқод фаёласуф бўлган-
нимда, тоат-ибодат қилиб — поклаиб
Зулфияхонимнинг шахсиятларини
ўзгача бир ихлос билан ўрганиб,
умумбашарий аҳамиятта молик бўл-
гил бир баёз ёзишга киришган бўлар
эдим. Агар мен ўз элида иззат-эти-
бор топган шоир бўлганимда, Зулфи-
яхонимнинг ўз шаън-шавкатларига
зигирча доғ туширмай босиб ўтган

йўллари бағишлаб “Янги даврнинг
янги қаҳрамони” номли дoston ёзиш-
га бел боғлаб киришиб, уни шундай:
Еру осмон, ой қуёшнинг узилмас бир
парчаси — сингари сатрлар билан
бошлаган бўлар эдим.

Агар мен элшунос (этнограф)
бўлганимда, “Зулфияхонимга тая-
ниб: онанинг оиладаги ўрни, макеи,
оилани оламнинг бир бўлағи сифа-
тида талқин этиб, рўзгорини бошқа-
риш; ўғил-қизларни қай йўсинда тар-
биялаш, онанинг ўз жигаргўшалари-
га, фарзандларининг эса ўз онала-

рига қиладиган муомала маданият-
лари сингари мавзуларни ўргатган
бўлардим ва бу йўлда қўлимдан кел-
ган барча чора-тадбирларни қўлла-
ган бўлар эдим. Агар мен... эл-улус-
ни танг қолдирар даражадаги нотик
бўлганимда, Зулфияхонимнинг маф-
тункор шеърятини, жозибали шахси-
яти ҳақида гапиришга, ...элида иззат-эти-
бор топган шоир бўлганимда, Зулфи-
яхонимнинг ўз шаън-шавкатларига
зигирча доғ туширмай босиб ўтган

Ой ҳам чиқмас эмиш, тонг отмас эмиш,
Офтоб ҳам нуруни таратмас эмиш,
Гулзорлар кўнглини яйратмас эмиш,
Сиздай шоираси йўқ ватанларда.

Қизлари ой мисол тўлмас эмишлар,
Вафо нелигини билмас эмишлар,
Биру Борга сажда қилмас эмишлар,
Сиздай шоирасиз ошнёнларда...

Йигитлар тонармиш ўз онасидан,
Келинчақлар борлиқ таманносидан,
Ошиқлар маъшўқа — парваносидан,
Сиздай шоираси йўқ ошнёнларда...

...Бўлганлари билан ҳадсиз бисоти,
Сандиқ-сандиқ тилло, уорлаб оти,
Қапшоқ саналармиш маънавияти,
Сиздай шоираси йўқ ватанларда,

Ўзи бир Мамлакат Мамлакатда Сиз,
Тахт-тоқтин устувор синаотда Сиз,
Бирда Шамс буржида ҳимоатласиз,
Бирда Ой, Чўлпонсиз бу ошнёнларда.

деган тизмалар билан сўзимни тугат-
ган бўлар эдим”.

Тўра Сулаймон Зулфияхоним ижоди-
дан, шахсиятидаги улуғлиқдан нечоғли
таъсирланганини кўрсатиш ниятида
ўзининг бир неча шеърлари, ҳикояла-
рига опанинг мисраларини эпиграф
сифатида олган. Мисол учун, “Катта
йўлга чиққан кичик қарвонман” мисра-
си билан машҳур “Мен ҳам” номли шеъ-
рига Зулфиянинг “Сафардан бир нафас
тинмаган жонман” сатрини, “Армон”
ҳикоясига “У бировни кутар беқарор...”
сатрини эпиграф қилиб келтирган.

ОЗОД ВАТАН ТАРОНАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан "Истиқлол илҳомлари" туркумида "Адиб" нашриётида чоп этилган "Озод Ватан саодати" номли беш жилддан иборат улкан нашр Мустақиллик даври ўзбек адабиёти намуналаридан таркиб топган. Мазкур нашрнинг биринчи жилдидан шеърӣ асарлар жой олган бўлса, кейинги жилдларига насрий, драматик, публицистик ва адабий танқидий асарлар жамланган.

Куйида адабиётимиз тарихида илк бор амалга оширилган, юз босма табоқдан зиёд бадий асарларни ўз ичига олган мазкур нашрнинг илк жилдлари — шеърӣ ва насрий асарларга бағишланган китоблари ҳақида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

"Мустақиллик йилларида юртимизда маънавийтимизнинг гоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини қадриш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётгани, бадий адабиётимиз мавзулар кўлами жиҳатидан ҳам, жанрлар нуктаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халқимизни, албатта, қувонтиради".

Истиқлол даври ўзбек адабиёти манзаралари ҳақида ёрқин тасаввур берадиган беш жилддан иборат "Озод Ватан саодати" мажмуаси ва, хусусан, унинг шеърӣ асарлардан таркиб топган биринчи китобидаги манзумалар Юртбошимизнинг юқорида келтирилган фикрларига бамисоли акс-садо бўлди.

Таъкидлаш жоизки, юз босма табоқдан зиёд шеърӣ, насрий, публицистик, драматик ҳамада адабий танқидий асарлардан таркиб топган ушбу нашр адабиётимиз тарихида илк бор амалга оширилмоқда. Нашр Ёзувчилар уюшмаси фаолиятидаги ташаббускорлик ижодкорлар меҳнатини юзага чиқаришнинг намунаси ҳамдир.

Мажмуанинг биринчи жилддаги аксар шеърлар Мустақиллик, ўзликка қайтиш, инсон табиати билан боғлиқ турфа туйғулар тасвири ҳамда уларни ўзида мутассаввир этган янги инсон қиёфасини акс эттиришга бағишланган.

Ранг-баранг шакл ва услубдаги, олис мозий, бугун ва ҳатто келажак қамровидаги Ватан сиймоқли, миқёсга жамланган бу даражадаги салмоқли, миқёсга жамланган бизда илк бор чоп этилди. Бу, шубҳасиз, Мустақилликнинг шарофати туйғулдир. Бундай шеърларга, мажмуага халқимиз кўп йиллардан буюн ташна бўлиб келаятган эди. Шу жиҳатдан мазкур китоб, маълум маънода халқ кўнглининг шеърӣдаги ифодаси, миллионларнинг дил изоридир.

Бошингда хурият кўнглини ёрқиндор, Ўз Турро, Байроғини, Юртбошим бордир — деб ёзади Ёркин Вохидов бир шеърда. Унинг бошқа бир шеърда лирик қаҳрамон: "Ўзинг ўз, сўзинг сўз, мутелик абас", дея қувончини дунёга ёғисни келади, энди тилию маслагга бегона эмаслигиндан гурурланади. Миллий таронаси кулқудан бошланмаслигига шукроналар туй-

ган ҳолда, наинки буюқ тарихи, балки янги замонанинг ҳам эгаси ўзи эканидан фалхланади.

Истиқлол даври адабиётимизда янги инсон — Мустақилликни мустақамлаш — ни ҳаётининг аъмоли, деб билган замондош образи билан бир қаторда Мустақиллик меъмори образини яратишга эътибор ҳам ҳозирги ўзбек шеърӣтининг ҳаётӣ асослар билан боғланган янги тамойилларидан биридир. Бу тарихий образ фақат кичик шеърӣ жанрларинигина эмас, Ҳабиб Саъдулла, Тўлан Низом, Маҳмуд Тоир каби шоирларнинг дostonларига ҳам ёритилаётгани қувонарли.

Истиқлол ўз-ўзидан келган эмас, балки аёвсиз курашлар, не-не оруз-умидлару армонлар натижасидир, деган бадий ғоя Абдулла Ориповнинг тўпلامдаги "Йигирма йил" номли шеърӣ мундарижасини ташкил этади.

Ўзбек Мустақиллигининг арслонлиги ҳаммага ҳам ёққан йўқ, у, айниқса, ғанимларни сергак тортириб қўйди.

Арслонларнинг наъраси
Кутку соласа басма-бас.
Сувараклар аҳли ҳам
Тинч турганмас бир нафас.

Кул босган ўчоқларда қайтадан
Ўт-оловлар қақнади, бегона
қўллар етмас чўққиларга туг-яловлар
қадалди. Энди асосий бурч
ана шу ўчоқлар оловини сўндирмасликда,
туг-ялов қадрини асрай билишда.

Муҳаммад Алининг "Кўрсат шижоатнинг беқиёс кучин..." сатри билан бошланадиган шеърӣдаги лирик қаҳрамоннинг ўй-фикрича Ватан, халқ равнаки учун шунчаки яшашнинг ўзи озлик қилади. Замон, ахир, ўқдай елмоқда, унинг шиддатини англамаслик бамисоли гуноҳи азим. Ватан равнақида, Истиқлолга ўз улушини қўйишга шошил, ахир, фурсат ўтиб кетиши, кеч қолишини мумкин, дея даъват этилади шеърда:

Озод Ватан учун, Истиқлол учун
Жон фидо қилмоққа етгайин фурсат.
Шуниси қувонарлики, Истиқлол, Ватан мавзуси тўпламдаги қатор шеърларда замоннинг, миллатнинг, кези келганда, инсониятнинг бугунги ҳамада доимий долзарб масалалари билан чамбарчас алоқада поэтик идрок этилган ва ёрқин миллий образларда ифодаланган. Ойдин Ҳожиёвнинг ўзбек аёлининг толеи, дарду қувончлари ажиб бир уйғунликда тас-

вирланган "Мустақил Ватанни бахт нури қайсин" номли шеърӣдаги бадий образлар ўзининг ҳаётӣ теранлиги билан эътиборни тортади. Шеърда акс этган "деҳқон юрагининг майин офтоби"ни шундоқгина сезиб, балх тут шохига илинган беланчадаги гўдак "огзига дур тутган саратон"ни айна ҳис этамиз.

Бадий образлардаги жозиба, гўзаллик, янгилик ҳақида сўз борар экан, Р.Парфининг "Ватан", "Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал..." каби шеърларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Шоирнинг она дийдорига, бағишланган "Яна қайтиб келдим..." шеърӣдаги тасвир ва туйғулар ўқувчини ҳаяжонга солади.

Тўпламдан, шунингдек, муҳаббат, табиат, замондош қалбини тўқинлантирувчи ранг-баранг мавзу ва муаммоларга бағишланган асарларга ҳам ўрин берилган. Чунончи, Жамол Камол ғазаллари, Анвар Обиджоннинг "уччанок"лари, Ҳалима Худойбердиева, Маҳмуд Тоир, Усмон Азим, Азим Сулеймон, Иқбол Мирзо, Абдулла Шер, Мирпўлат Мирзо, Иқром Отамурод, Фарид Афрўз, Эшқобил Шукур, Бахтиёр Генжамурод, Фахриёр сингари таниқли шоирлар асарлари ҳозирги шеърӣтимиздаги шакл, оҳанг, услуб бобидаги изланишлар ҳақида ёрқин тасаввур беради. Тўпламга Ибройим Юсупов, Александр Файнберг, Жиянбой Ўзбексанов, Улмамбет Хўжазаров, Кенгисбой Қаримов, Марта Ким асарларидан намуналар ҳам киритилганлики, бу юртимизда турли тилларда зойин-эркин ижод қилинаётган шеърӣ бойлигини намоён этади.

Чўқур ўйга толдирадиган, ургу ва маънони топишга ундайдиган асарлар шеърӣтимизда кечаётган ҳозирги поэтик изланишларнинг самарасидир. Қутлибека Раҳимбоевнинг қофиясиз "Жон сўз" шеърӣ фикримизга бир далил. Гап асарнинг қофиясизлигида эмас, балки ундаги гўзал руҳий шиддатда.

"Жон сўз" шеърӣда Мустақиллигимиз, мадҳиямиз, байроғимиз ҳақида гап боради, лекин бирор мисрада зўрма-зўралик, баландпарвозлик йўқ. Шеърда Ватан ва Озодликка муносабатдаги қалб тўғёнлари, нидолари порлаб туради:

Ҳар ҳарфин, ҳар товшин мадҳиямизнинг,
Содиқ аскар каби қўриб ўтирсам,
Ёмон қарашлардан, ёмон қўзлардан —
дейди лирик қаҳрамон.

Тўпламдан Хосият Устамова, Иқром Исқандар, Нилуфар Умарова, Файрат Мажид, Гулжамол Асқарова сингари шеърӣтимизнинг навқирон авлоди вакиллари ижодида ҳам салмоқли ўрин ажратилган. Мазкур нашрни янада кўракмороқ, тўқисроқ, аълороқ қўриш истагида айрим мулоҳазаларимизни айтиб ўтсак. Китобга, асосан, Истиқлол даври ижод намуналари киритилган. Демак, таҳминан йигирма беш йил атрофидаги босқич қамраб олинган. Муаллифлар сони юз нафардан кўпроқ. Гап фақат санокда эмас. Истиқлолга эришган озод Ватан ҳақидаги шеърлар жамланиб, нашр

этилаётган тўпламга ундан ҳам кўпроқ шоирлар ижодида намуналар киритиш мумкинки, фақат тўпламнинг савиясига путур етказмаса. Афсуски, тўпламнинг айрим саҳифаларидан бўш, ҳатто саёз шеърлар ўрин олган. Уларнинг ўрнига бошқа, бадий жиҳатдан бакуват шеърлар берилиши мумкин эди.

Тўпламдаги муаллифлардан салкам ўттиз нафари халқ шоири. Уларнинг кўпчилиги бу юксак унвонга Истиқлол даврида эришган. Бу ижодкорларга кўрсатилаётган юксак эътибор намунасидир. Лекин яратилаётган айрим асарлар ва ҳеч бўлмаганда "Озод Ватан саодати" дея номланган муътабар тўпламга талнаб киритилган баъзи шеърлар кўрсатилаётган юксак эътиборга бадий жиҳатдан муносиб даражада, деб ўйлайсан.

Ўстим, шеър ёзмаган шунча йил тинмай,
Ҳаётдан бермоқ-чун сенга ахборот —
деб ёзади Хусниддин Шарипов "Қарс икки қўлдан" номли шеърда. Наҳотки шеърнинг мақсади ҳаётдан ахборот бериш бўлса? Тўлан Низомнинг "Истиқлол қўёши" шеърда мақсад яхши, ният яхши. Фикр, ижтимоий салмок ҳам бор. Лекин шеър бадийятдан маҳрум.

Тўпламдаги қутлуг мавзуларга бағишланган шеърларда баъзан ниҳоятда жўн мисралар учрайди. Шафоат Раҳматуллаев "Олий қомусим" шеърда Конституциямизни улуғлайди. Шеър ниҳосида эса қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

Тенгларнинг ичиди бутун тенг ўзим,
Жаҳоний тўнларга ёқа, енг ўзим.

Бундай бир неча аср аввал Турди Фароғий ижодида ўринли қўлланган бу образлар бугунги шоир ижодида нечоғли ноўрин ишлатилганини таъкидлаш шарт бўлмас керак. Ёки Исмоил Тўхтамиевнинг "Сен ҳавас Ватан" шеърини олайлик. Аввало, сарлавҳанинг ўзи тўмтоқ. Қолаверса, Ватан улуғланган, мадҳ этилган, муқаддаслиги айtilган шеърда бирор-бир янги гап, янги образ йўқ. Зиёвдин Мансуровнинг яхши ният эзилган "Ўзбекистон" шеърдаги "Момо Ҳаво янглиғ ҳаволарим бор, Бекарга ҳақиқий бекалик қилган. Дунёга оталик аилаб ихтиёр, қарийб Ер шарига эғалик қилган" мисраларида Соҳибқирон образи, назаримизда, тўғри ва яхши таассурот қолдирмайди.

Лекин муҳими, "Озод Ватан саодати" мажмуасининг биринчи жилди қиммати бундай асарлар эмас, мақоламиз аввалроғида муносабат билдирилган пишиқ, мағзи тўқ шеърлар белгилайди, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур беш жилднинг нашр этилишини ҳозирги адабий-маданий ҳаётимизнинг муҳим ҳодисаларидан бири, дейиш мумкин. Шу маънода уни тайёрлаб, чоп этишга бош-қош бўлган Ёзувчилар уюшмасини ҳам, бундай нашрга эга бўлган адабиёт ихлосмандларини ҳам сამимий табрикласак арзийди.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
академик

баъзи чизгилар берилган.

Муҳаммад Али ижодида тарихий мавзу салмоқли ўрин эгаллашини ада-

биёт муҳлислари яхши билишди. У нафақат насрда, балки назмда яратган асарларида ҳам узок ва яқин ўтмишнинг мураккаб манзаларларини чизгилга мойил ижодкор эканлигини узок йиллардан бери кўрсатиб келаяпти. Бунга унинг бир қатор шеърларидан ташқари "Машраб", "Гумбаздаги нур" каби дostonларини, "Боқий

дунё" шеърӣ романини мисол тариқасида келтириш мумкин. Кейинги йил-

ларда адиб тўрт китобдан иборат "Улуғ салтанат" тетрологиясини ўқувчиларга тақдим этди. Назаримда, "Алтойир юлдузи" ҳикояси ҳам ана шундай бадий изланишлар жараёнида юзага келган асардир. Ҳикоя Мирзо Улуғбек ҳаётининг сўнгги, ўта фожиали охиригидан бири тасвирига бағишланган. Тасвирда, гарчи кичик шаклдаги асар бўлса-да, биз биладиган тарихий асарларга хос салобат, қўлам ва салмок сезилиб туради. Муаллиф китобни диққатини қирқ йил ҳукмдорлик қилган Мирзо Улуғбекнинг тахтдан туширилгандан кейинги бир кунлик ҳаёти ва руҳий ҳолатига, шу қисқа муддат ичида бошидан кечирган ҳамада дуч келган воқеалар тасвирига қаратишга интилади. Ёзувчи жанрнинг талабларидан узоқлашмаган ҳолда, тасвири драматик воқеаларга уйғун тарзда олиб боради.

Ўтган асрнинг 70—80-йилларида адабиётга кириб келган ёзувчилар авлоди ижодида ушбу тўпламдан кенг ўрин берилган. Шундай бўлиши табиий ҳам. Чунки бу авлод вакиллари барча жанрларда мустақиллик даври адабиёти ривожига пешқадамлик қилишмоқда. Бинобарин, насрда ҳам шунга

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

УСЛУБ — ТЕМИРЧИНИНГ ДАСТГОҲИ ЭМАС

Ижоднинг илк босқичида асарнинг умумий оҳанги қулоғимга чалинади. Муҳими, дастлабки ёзилган жумланинг асар тақдирини хал этувчи аҳамиятга эғалигида. Илк жумла асар жанрини, маромини белгилаб беради... Модомики, қулоққа чалинган ўша оҳанг ривож топмаса, шубҳасиз, қалбга кетасан, бошлаган асарингни бир четга суриб қўясан ёки ундан бир нарса чиқмайди, ташлаб юборасан.

Иван БУНИН

Ҳозирги дунёда адабиёт мураккаб шароитга тушиб қолган. Фавқулодда у кераксиз буюмга айлангандек, зеро, қизиқишлар ҳам, ҳис-ҳаяжонлар ҳам олдингидай эмас, бўлакча. Бурунги китобхонларимизнинг ўй-хаёллари энди бошқа нарсалар билан банд. Бугунги китобхонлар эса асл мутолаанинг завқ-шавқидан, афтидан, беҳабар. Шундан келиб чиқиб энди нима қилиш лозимлигини биргалашиб ўйлаб қўришимиз керак.

Чингиз АЙТМАТОВ

Ҳатто оддий капалакнинг парвози учун ҳам бутун бир осмон керак.

Пол КЛОДЕЛ

Табиатдан, худди фотографлардек, нусха қўчирмаслик керак. Одам юришга тақлид қилишни ўйлаб гилдиракни кашф этди. Бу билан у, ўзи билмаган ҳолда, сюрреалистик ҳаракатни амалга оширди.

Гийом АПОЛЛИНЕР

Сиз тушунмайман, деб айтаясизми? Сабабини фақат ўзингиздан кидириш. Сиз нақадар камбағалсиз, модомики, туйғуни ақд билан боғлай олмас экансиз.

Пабло ПИКАССО

Шеърда янгилик қарийб ҳар доим шоирнинг қай даражада янги эканига боғлиқ... Услуб — бу темирчининг дастгоҳи эмас, балки унинг қалби, руҳи.

Рене-Ги КАДУ

Шоирнинг шахси китобхонга тегишли эмас. Китобхон, дарахтдан ажратиб олинган ёғоч каби, муаллифдан ажралиб чиққан асар ҳақида ҳукм чиқаришга ҳақли, холос. Модомики, мунаққид асардан сиёсатчи шахсини қидираркан, бу ўта мантиқсиз ҳаракатдир.

Сен-Жон ПЕРС

Реализм, олдига қўйилган талабларга жавоб бериши учун, бугунги куннинг реалигига эмас, балки келажак реалигига асосланмоғи лозим. У башорат реализми бўлмоғи керак.

Кофиядан бешиз уни ҳуда-беҳуда, меъеридан ортиқ даражада қўллайтириш, соф гимнастика машқларига айлантириб юбориш оқибатида юзага келди. Аслида кофиянинг сийқаси чиққани йўқ, балки кофияланмаган, шеърӣ мисралар охирида соф, жарангдор товуш таратадиган сўз қолмади, деганларнинг юрагининг сийқаси чиққан, холос.

Луи АРАГОН

Поэзия бизнинг маданий ҳаётимизда муҳим ўринга эга. Шеърӣ нафақат одамлар билан чин дилдан гаплашиш имкониятини яратди, шунингдек, биз поэзия тилидан турли хавф-хатарлардан бекинадиган макон сифатида фойдаланамиз.

Ярослав СЕЙФЕРТ

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти намуналари қамраб олинган "Озод Ватан саодати" кўпжилдлигининг иккинчи китобида насрий, анкироғи, ҳикоя жанрида яратилган асарлар жамланган. Китобнинг сўзбошисида ёзилмишча, унда "учта адабий авлоднинг дунёқарашини, кайфиятини ва бадий тафаккури махсули сифатида яратилган кичик насрий асарлар билан танишиш имкони бор". Дарҳақиқат, мазкур тўпламда мустақиллик даврида насрда фаол ижод қилган қалам соҳиблари — қирқ уч нафар ёзувчи — адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган оқсоқол адибимиз Саид Аҳмаддан кенжа авлод вакили Уйғун Рўзиев асарларигача бор. Шу ҳолича бу китобни чиройли, ҳафсала билан тартиб берилган гулдастага ўхшатиш мумкин.

Тўплам ўзбек ҳикоячилиги тараққиётига Абдулла Қаҳҳордан сўнг кўп меҳнати сингган ўстоз Саид Аҳмаднинг "Қорақўз Махжун" ҳикояси билан бошланади. Асар бир итнинг номи билан аталгани ўқувчига ғалатиноқ туюлиши ҳам мумкин, бироқ чунки ажабланмасча ҳам бўлади. Чунки бундай тажриба Саид Аҳмад ижодида бегона эмас (китобхонсини эсласан керак). Зеро, ит билан боғлиқ воқеалар тасвири ҳикоя қаҳрамони Саодат ая образи моҳиятига сингдирилган гапларни англашда, ҳис этишда муҳим вазифани бажаради. Қолаверса, шу номнинг ўзидаёқ Саид Аҳмад услубига хос юмюрни пайқамаслик мумкин эмас.

Ҳикоянинг марказида инсон руҳиятида содир бўладиган кескин маънавий-психологик ўзгаришлар билан боғлиқ тафсилотлар тасвири туради. Унда бир одамнинг ўз эътиқодидан воз кечиши атрофдагиларга — онасига, бир қориндан талашиб тушган жияғларига, қариндош-уруғларига қандай таъсир кўрсатиши, қай даражада руҳий изтиробларга соҳибини маҳорат билан ифодаланган. Саид Аҳмаднинг психологик манзаралар яратишдаги "Уфқ" трилогиясида ва турли йилларда ёзган ҳикояларида эришган натижалари, кўтарилган чўққисига хос белгилар

"Қорақўз Махжун"да ҳам яққол сезилиб туради.

Устозларга хос қаҳрамон маънавий-руҳий оламни, мураккаб вазиятлардаги ички кечинмаларни маҳорат билан чизиб санъати Асқад Мухтор ("Фано ва Бако"), Одил Ёқубов ("Қайдасан, Морико!"), Пиримкул Қодиров ("Қақмоқдай сўнган умр") сингари атоқли адибларимиз ижодида танланган намуналарнинг бош хусусияти ҳисобланади. Носир Фозиллов ("Полиэ очқоми"), Худойберди Тўхтабоев ("Ёввойи эчкилар"), Ёркин Самандар ("Афсунгар гул") каби, асосан, насрининг бошқа жанрларида ижод қилиб келаятган таниқли ёзувчиларимизнинг мазкур

номли ҳикояси киритилган. Асар воқеалари бош қаҳрамон Содиқ тилидан ҳикоя қилинади. Тасвир Ш.Холмиразев услубига хос тарзда — вазминлик билан, ҳар бир ҳолат, кайфият ва тафсилотга эътибор берилган ҳолда амалга оширилган. Ифодада бола нимоқдай сўнган умр") сингари атоқли адибларимиз ижодида танланган намуналарнинг бош хусусияти ҳисобланади. Носир Фозиллов ("Полиэ очқоми"), Худойберди Тўхтабоев ("Ёввойи эчкилар"), Ёркин Самандар ("Афсунгар гул") каби, асосан, насрининг бошқа жанрларида ижод қилиб келаятган таниқли ёзувчиларимизнинг мазкур

номли ҳикояси киритилган. Асар воқеалари бош қаҳрамон Содиқ тилидан ҳикоя қилинади. Тасвир Ш.Холмиразев услубига хос тарзда — вазминлик билан, ҳар бир ҳолат, кайфият ва тафсилотга эътибор берилган ҳолда амалга оширилган. Ифодада бола нимоқдай сўнган умр") сингари атоқли адибларимиз ижодида танланган намуналарнинг бош хусусияти ҳисобланади. Носир Фозиллов ("Полиэ очқоми"), Худойберди Тўхтабоев ("Ёввойи эчкилар"), Ёркин Самандар ("Афсунгар гул") каби, асосан, насрининг бошқа жанрларида ижод қилиб келаятган таниқли ёзувчиларимизнинг мазкур

номли ҳикояси киритилган. Асар воқеалари бош қаҳрамон Содиқ тилидан ҳикоя қилинади. Тасвир Ш.Холмиразев услубига хос тарзда — вазминлик билан, ҳар бир ҳолат, кайфият ва тафсилотга эътибор берилган ҳолда амалга оширилган. Ифодада бола нимоқдай сўнган умр") сингари атоқли адибларимиз ижодида танланган намуналарнинг бош хусусияти ҳисобланади. Носир Фозиллов ("Полиэ очқоми"), Худойберди Тўхтабоев ("Ёввойи эчкилар"), Ёркин Самандар ("Афсунгар гул") каби, асосан, насрининг бошқа жанрларида ижод қилиб келаятган таниқли ёзувчиларимизнинг мазкур

номли ҳикояси киритилган. Асар воқеалари бош қаҳрамон Содиқ тилидан ҳикоя қилинади. Тасвир Ш.Холмиразев услубига хос тарзда — вазминлик билан, ҳар бир ҳолат, кайфият ва тафсилотга эътибор берилган ҳолда амалга оширилган. Ифодада бола нимоқдай сўнган умр") сингари атоқли адибларимиз ижодида танланган намуналарнинг бош хусусияти ҳисобланади. Носир Фозиллов ("Полиэ очқоми"), Худойберди Тўхтабоев ("Ёввойи эчкилар"), Ёркин Самандар ("Афсунгар гул") каби, асосан, насрининг бошқа жанрларида ижод қилиб келаятган таниқли ёзувчиларимизнинг мазкур

номли ҳикояси киритилган. Асар воқеалари бош қаҳрамон Содиқ тилидан ҳикоя қилинади. Тасвир Ш.Холмиразев услубига хос тарзда — вазминлик билан, ҳар бир ҳолат, кайфият ва тафсилотга эътибор берилган ҳолда амалга оширилган. Ифодада бола нимоқдай сўнган умр") сингари атоқли адибларимиз ижодида танланган намуналарнинг бош хусусияти ҳисобланади. Носир Фозиллов ("Полиэ очқоми"), Худойберди Тўхтабоев ("Ёввойи эчкилар"), Ёркин Самандар ("Афсунгар гул") каби, асосан, насрининг бошқа жанрларида ижод қилиб келаятган таниқли ёзувчиларимизнинг мазкур

номли ҳикояси киритилган. Асар воқеалари бош қаҳрамон Содиқ тилидан ҳикоя қилинади. Тасвир Ш.Холмиразев услубига хос тарзда — вазминлик билан, ҳар бир ҳолат, кайфият ва тафсилотга эътибор берилган ҳолда амалга оширилган. Ифодада бола нимоқдай сўнган умр") сингари атоқли адибларимиз ижодида танланган намуналарнинг бош хусусияти ҳисобланади. Носир Фозиллов ("Полиэ очқоми"), Худойберди Тўхтабоев ("Ёввойи эчкилар"), Ёркин Самандар ("Афсунгар гул") каби, асосан, насрининг бошқа жанрларида ижод қилиб келаятган таниқли ёзувчиларимизнинг мазкур

номли ҳикояси киритилган. Асар воқеалари бош қаҳрамон Содиқ тилидан ҳикоя қилинади. Тасвир Ш.Холмиразев услубига хос тарзда — вазминлик билан, ҳар бир ҳолат, кайфият ва тафсилотга эътибор берилган ҳолда амалга оширилган. Ифодада бола нимоқдай сўнган умр") сингари атоқли адибларимиз ижодида танланган намуналарнинг бош хусусияти ҳисобланади. Носир Фозиллов ("Полиэ очқоми"), Худойберди Тўхтабоев ("Ёввойи эчкилар"), Ёркин Самандар ("Афсунгар гул") каби, асосан, насрининг бошқа жанрларида ижод қилиб келаятган таниқли ёзувчиларимизнинг мазкур

номли ҳикояси киритилган. Асар воқеалари бош қаҳрамон Содиқ тилидан ҳикоя қилинади. Тасвир Ш.Холмиразев услубига хос тарзда — вазминлик билан, ҳар бир ҳолат, кайфият ва тафсилотга эътибор берилган ҳолда амалга оширилган. Ифодада бола нимоқдай сўнган умр") сингари атоқли адибларимиз ижодида танланган намуналарнинг бош хусусияти ҳисобланади. Носир Фозиллов ("Полиэ очқоми"), Худойберди Тўхтабоев ("Ёввойи эчкилар"), Ёркин Самандар ("Афсунгар гул") каби, асосан, насрининг бошқа жанрларида ижод қилиб келаятган таниқли ёзувчиларимизнинг мазкур

номли ҳикояси киритилган. Асар воқеалари бош қаҳрамон Содиқ тилидан ҳикоя қилинади. Тасвир Ш.Холмиразев услубига хос тарзда — вазминлик билан, ҳар бир ҳолат, кайфият ва тафсилотга эътибор берилган ҳолда амалга оширилган. Ифодада бола нимоқдай сўнган умр") сингари атоқли адибларимиз ижодида танланган намуналарнинг бош хусусияти ҳисобланади. Носир Фозиллов ("Полиэ очқоми"), Худойберди Тўхтабоев ("Ёввойи эчкилар"), Ёркин Самандар ("Афсунгар гул") каби, асосан, насрининг бошқа жанрларида ижод қилиб келаятган таниқли ёзувчиларимизнинг мазкур

номли ҳикояси киритилган. Асар воқеалари бош қаҳрамон Содиқ тилидан ҳикоя қилинади. Тасвир Ш.Холмиразев услубига хос тарзда — вазминлик билан, ҳар бир ҳолат, кайфият ва тафсилотга эътибор берилган ҳолда амалга оширилган. Ифодада бола нимоқдай сўнган умр") сингари атоқли адибларимиз ижодида танланган намуналарнинг бош хусусияти ҳисобланади. Носир Фозиллов ("Полиэ очқоми"), Худойберди Тўхтабоев ("Ёввойи эчкилар"), Ёркин Самандар ("Афсунгар гул") каби, асосан, насрининг бошқа жанрларида ижод қилиб келаятган таниқли ёзувчиларимизнинг мазкур

номли ҳикояси киритилган. Асар воқеалари бош қаҳрамон Содиқ тилидан ҳикоя қилинади. Тасвир Ш.Холмиразев услубига хос тарзда — вазминлик билан, ҳар бир ҳолат, кайфият ва тафсилотга эътибор берилган ҳолда амалга оширилган. Ифодада бола нимоқдай сўнган умр") сингари атоқли а

Ўзбек Миллий театрининг 100 йиллиги

Театр санъати замон кўзгусига қиёсланиши бежиз эмас. Саҳна аслида халқнинг миллий қиёфасини намоён этувчи ижод минбаридир. Демак, театр тақдири халқ тақдири билан ҳамisha боғлиқ. Бунинг тасдиғини мен ижод қилаётган Ўзбек миллий академик драма театрининг истиқлол йилларидаги фаолияти мисолида кўриш мумкин.

ганини тасаввур қилиши қийин эмас. Бугун кўхна Бухоро юрагида оқ атиргул мисол яшнаб турган Бухоро мусикали драма театрини кўриб кўзингиз қувонади. Театр санъати ривожланган даврларда ҳам бундай мухташам ижод қошонасини учратиш амри маҳол. Фақат битта армон бор — ўзбек саҳна санъати-га тамал тошини қўйган устозларимизга бу кунларни кўриш насиб этмади. Ана шуни назарда тутганда бугунги авлод зиммасидаги

хикмат бор. Вақти келганда ҳар бир режиссёр қутилмаган кашфиётларга қодир бўлиши керак. Айтилиқ, пичоққа илинадиган янги драма бўлмаса, илгари қўйилган яхши асарларга қайтадан замонавий ҳаёт бахш этиш мумкин. Узоққа бормайлик, ҳатто XX аср ўзбек драматургиясининг ўзи ўрганишга арзийдиган катта бир уммон.

Мухлисларнинг хабари бор, айна кунларда жамоамиз Иззат Султоннинг "Имон" пьесасини саҳналаштириш борасида изланиш олиб бормоқда. Ўз даврида катта шов-шувга сабаб бўлиб, театримизга шуҳрат келтирган бу асарга қайтадан мурожаат қилиниши тасодиф эмас. Негаки, имон ва нафс, виждон ва жаҳолат баҳси ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Шунинг учун ҳам спектаклдаги асосий роллардан бирини ижро этиш менга топширилганида ҳам хурсанд бўлдим, ҳам зиммамда катта масъулият ҳис қилдим. Репетиция жараёни қизиқarli кечяпти. Маҳоратимни янада чарх-лаш, ёрқин ва ишонarli қаҳрамон сиймосини яратиш ўйида изланилман. Умид қиламизки, спектакл бугунги томошабин юрагига етиб боради ва театримизнинг 100 йиллигига муносиб тўхфа бўлади.

Ўзбек миллий театрининг юз йиллиги нафақат саҳна ижодкорлари, балки санъат ихлосмандлари, халқимиз хотирасида ҳам унутилмас воқеалардан бири сифатида муҳрланади, деб ўйлайман. Ҳозир жамоамиз ушбу кутлуг санани муносиб тарзда нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу байрам бутун ўзбек саҳна санъатининг тантанаси сифатида янада қадрлидир. Вилоят театрларидан ташриф буюрган санъаткорлар ҳам биз билан ҳамкорликда ижод қилаётгани кучимизга куч бағишламоқда. Хуллас, айна пайтдаги барча сай-ҳаракатларимиз мамлакатимиз маданий ҳаётидаги ёрқин воқеани арзирли ютуқлар билан қутиб олишга қаратилган.

Дилдора БЕРДИБЕКОВА
ёзиб олди



Лола ЭЛТОЕВА:

САҲНАМИЗ ШАРАФИ

Хурриятнинг дастлабки йиллари кечагидек ёдимда. Асрлар давомида сайқал топиб келган миллий қадрият ва аъналаримиз қайта тикланаётган даврда Президентимиз ташаббуси билан театримизга "Миллий театр" мақоми берилди. Утган йиллар ичида мамлакатимиздаги барча соҳалар қатори театр санъати ҳам янги тараққиёт пиллапояларига қадам қўйди. Юртимизда кенг қўлмалли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, ажодлар меросини ўрганишга эътибор кучаяётган айна кунларда Миллий театрининг юз йиллигини нишонлаш арафасидамиз.

Бу кутлуг даргоҳ сибсб ўтган бир асрлик йўл ҳақида фикр юритар эканмиз, қаршимизда залворли тарих гавдаланади. Миллий театр саҳнаси неча-неча буюк санъаткорларни кўрмади дейсиз. Улар мерос қолдирган ижодий аъналар бугун бизнинг энг катта бойлигимиз. Сўнгги йигирма уч йил том маънода театримизнинг юз йиллик тарихига янги саҳифа сифатида битилди. Яъни, саҳнамиз кенг маънода истиқлол саҳнаси, миллат гурурининг тимсолига айланди. Ўтмишга бир назар солинг, мамлакатнинг бош театри сифатида эътироф этилган ижод маскани ҳатто театр санъати талабларига жавоб берувчи махсус бинога ҳам эга эмасди. Мамлакатнинг бош театрида шундай аҳвол бўлгандан кейин, вилоят театрлари қандай шароитда ижод қил-

масъулият юки нақадар улкан эканини ҳис этаман. Ҳеч бир саҳна ижодкори устозлар олдидан ушбу бурчни унутмаслиги лозим.

Саҳна ҳаётнинг акси экан, демак, замон қаҳрамони сиймосини яратиш масаласи ҳамisha кун тартибда бўлади. Утган йиллар ичида замонашларимиз ҳаётига бағишланган кўплаб спектакллар саҳна юзини кўрди. Жумладан, Миллий театр саҳнасида яратилган "Огоҳ бўлинг, одамлар", "Тақдир", "Қуёшни сен уйғотасан", "Йиглама, қиз", "Ойдин" каби спектакллар томошабинларни бефарқ қолдирмагани аниқ. Шубҳасиз, амалга оширилган изланишлар катта иш сари қўйилган дастлабки қадамлар, холос. Зеро, замон қаҳрамони сиймосини яратиш вазифаси кундан кунга долзарб аҳамият касб этмоқда. Негадир, бу ҳақда сўз борса, аксарият мутахассислар асосий масъулиятни драматургларга юклайди. Тўғри, драматургия бу йўлдаги дастлабки ва муҳим қадам. Аммо режиссёр, актёр омили ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим. Гоҳида айрим кўздошларимизнинг "Яхши адабий манба бўлса, истаган ролни маромига етказиб ижро қилиш мумкин", қабилидаги гапларини эшитиб қоламиз. Ҳолбуки, режиссёр драматург қачон яхши асар ёзишини қутиб ўтиргани билан масала ҳал бўлмайди. Замонавий театр — режиссёрлик театри сифатида эътироф этилиши замирида катта

Кўргазма залларида



Халқаро маданият қарвонсаройида "Соғлом бола йили"га бағишланган "Парвоз" деб номланган кўргазма очилди. Унда таниқли рассом, устоз Зухриддин Исомшиков ва шогирдларининг турли мавзудаги қирқдан зиёд асарлари намоиш этилмоқда.

З.Исомшиков асарларининг аксарияти шимиз ва ундан ташқарига қилган сафарлари натижасида дунёга келган. Рассом самарали ижод қилиш билан бирга, йигирма йилдан ортиқ Республика рассомлик коллежида ёшларга рангтасвир

ПАРВОЗ

сирларидан сабоқ бериб келмоқда. Мазкур кўргазма устоз-шогирд аъналари давомийлигининг ёрқин мисолидир.

Шогирдларимнинг муваффақиятларини кўриш мен учун катта бахт, — дейди рассом. — Ўн беш нафар ўқувчимдан ўн нафари турли олий ўқув юртларида тахсилни давом эттиришга муассар бўлишди. Ўқувчилар билан тоғлар бағрига, турли ус-

тахоналарга, қишлоқларга саёҳатлар уюштирдик. Ҳар бир талабанинг ўз дунёқарши, оламга муносабати бор. Улар ўзлари истагандек ишлаш учун шароит яратдик. Натижани кўриб турибсиз. Ҳар бир ўқувчи ўз услубини, қайси жанрда ишлашга лаёқати борлигини намоён этди.

Дарҳақиқат, Зилола Назарова "Икки буюк қалб" картинасида Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг ёшликка хос шижоатга тўлган палласини чиройли талқин этган бўлса, Елена Очилова тоғ бағридаги қишлоқда ўтказилаётган суннат тўйи маросимини қизиқarli чизган. Фарангиз Атамуллаеванинг "Қашлачи қиз", Мирвоҳид Тўлагановнинг "Қуллоқ Содиқжон Бойматов устaxonасида" каби суратларида устоз ва шогирд аъналарини самимий акс эттирилган. Инесса Макачук, Анастасия Воробёва, Арофат Каримова, Шахло Курбонова, Анастасия Штиренко, Исом Раҳимов, Гўзал Юсупова, Феруза Бекимуродова, Амирхон Ғайратов, Дилфуза Иноғомоваларнинг турли мавзуда чизилган суратлари томошабинлар катта таассурот қолдирди. Мазкур кўргазмадан ўрин олган асарлар томошабинларга илк бор намоиш этилмоқда.

СОҒИНЧ

Бадий академиянинг кўргазмалар залида Ўзбекистон ва Корея мамлакатлари маданий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат берувчи "Соғинч" номи кўргазма очилди. Унда рангтасвир, графика, фотосуратлар ва гоуелен санъатида мансуб асарлар намоиш этилмоқда.

Кўргазма уч бўлмидан иборат бўлиб, биринчи тўпладан мамлакатимизда яшаб ижод қилаётган Николай Шин, Николай Пак, Исхра Шин, Светлана Шин, Елена Ли, Роберт Ким каби рангтасвир усталарининг асарлари ўрин олган. Иккинчи ва учинчи тўпладан Корея Республикаси музейларида сақланаётган йигирмачи асрнинг номдор ва замонавий рассомларнинг сара асарларини кўриш мумкин. Исхра Шин ва Елена Лилларнинг манзараларида ранг-баранг гуллар нафис товланса, Николай Пакнинг "Онам ва мен" асарида она-боланинг бахтли онлари тараннум этилган. Чо Гван Ик, Чхве Ён Гол, Чон Ин Ён каби рассомларнинг ишларида оддий турмуш тарзи бетакрор бўёқлар ва чиройли манзаралар фонида тасвирланган.

С.КОСИМОВА

ҚАДРДОН ОҲАНГЛАР

Ўзбекистон давлат консерваториясида Темур Мирзаев раҳбарлигидаги дамли ва зарбли чолгулар талабалар оркестри иштирокида концерт бўлиб ўтди.

Тадбирда ёш муғаннийлар машҳур композиторларнинг сара асарларидан намуналар ижро этиб, мусиканинг поп, жаз, эстрада, классика каби йўналишла-

рида истеъдодларини намоиш қилдилар. Жумладан, Квартанто, Майкл Жексон, Агустин Хара, Жемс Хорнернинг мусикий асарлари томошабинларга хуш қайфият бағишлады.


Наврўзбек СОБИРОВ

ЭНГ ЮКСАК САНЪАТ




Леонардо да ВИНЧИ:


Эй мусаввир, тирикчилик илинжи сендаги санъат туйғусини нобуд этмасин. Зеро, бу шараф инъом этган обрў, бойлик келтирган обрўдан кўра қимматлидир.




Рангтасвир — бу кўриш мумкин бўлган поэзия, поэзия — бу тинглаш мумкин бўлган рангтасвир.



Гўзаллик доим ҳам эзгу эмас. Бу сўзларни ранглар жозибасига мафтун, аммо унинг асл имкониятидан бе-хабар, заиф, деярли кўз илғамас жилолардан фойдаланувчи рассомларга тегишли. Уларнинг бу хатоси чиройли, бироқ мазмунсиз сўзлар каби алдамчидир.



Оддийлик мураккабликнинг юксак ифодаси.



Санъат асари яратиш устидаги иш ҳеч қачон яқун топмайди. У фақат ташлаб қўйилиши мумкин.



Салвадор ДАЛИ:


Ҳатто буюк руҳшунслар ҳам даҳолик қаерда яқун топиб, телбалик қаерда бошланишини аниқлашга қодир эмас.



Очигини айтмай, чизаётиб картинада қандай мазмун жой бўлганини билмайман. У мазмундан маҳрум этилган, деб ўйламан. Картинадаги мазмун шу қадар чуқур ва мураккаб, табиий ва эркин-ки, мантиқ излаган нигоҳни кўриб қўйиб бўлади.



Мукамалликдан сира кўркманг. Барибир унга эриша олмайсиз.



Санъат — азобли дард, бироқ ҳозирча ушиз яшашнинг иложи йўқ.



Пабло ПИКАССО:

Санъат шундай гўзал ёлғонки, у бизга ҳақиқатни англашни ўргатади.



Шундай рассомлар борки, кўёшни сариқ доғга айлантириши мумкин. Шундайлари ҳам

борки, уларнинг санъати ва тафаккури сариқ доғни ҳам қуёшга айлантиради.

Рангтасвир чинакам эътиқод демакдир. Шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, агар бирор картина улкан таъсир қўйишга эга бўлса, бу ҳодиса унда илоҳий назар мавжудлиги сабаб юз беради. Афсуски, аксар ҳолларда одамлар буни қабул қилишни истамайди. Ваҳоланки, ҳақиқатга энг яқин фикр шу.

Ижод оламига эндигина қадам қўйган бошловчи рассомни бир неча киши тушуниши мумкин, машҳур рассомни англашга қодирлар ундан ҳам оз.

Санъат қалбни забт этган одатийлик ғуборини енгилга қодир.



Винсент ВАН ГОГ:

Ўзим ҳақимда сўзлар бўлмас, айтарили ҳеч нарсани билмайман, аммо юлдузлар ёғдуси ҳамisha мени орзу қилишга қорлайди.

Тасвир санъати ўзини нима? Уни қандай эгаллаш мумкин? Бу аслида биз ҳис эта олган ҳамда тасвирлашга қодир бўлган туйғуларимиз орасидаги темир девор эмасми. Назаримда, бу деворни ёриб ўтиш учун бошни қанча урмайлик бефойда. Уни аста-секин сабр билан забт этиш лозим.

Бу ҳақда қанча кўп ўйламай, ишончим ортиб бормоқда. Инсонга бўлган муҳаббат — энг юксак санъат.

Савдо билан шугуллана олмаслигим ёки таълим олишга қобилиятим йўқлиги мендан яхши рассом чиқмаслигини исботлай олмайди. Аксинча, мен санъат асарларини пулловчи уйдабурон савдогар ёки ваъзхон руҳоний бўлганимда — рассомлик билан шугуллана олмасдим.

(Ван Гогнинг укаси Теога ёзган мактубдан)

Мен муҳтожлик уммонига мангу чўккан изтироб қайғиман. Эҳтимол, машҳур рассом бўлиб танилиш ҳеч қачон насиб этмас. Яратган асарларим кўзга ҳазонлар янглик йўқликка юз тутар. Майли, аммо рассом бўлишга қарор қилганимдан сира афсусланмайман.

“ОНА-СИНГИЛЛАР” ИБРАТИ

“Ўзбекистон” телеканали орқали намоиш этилаётган “Она-сингиллар” сериали ёшу қарини бирдек экран қаршисига “михлади” десак, муболага бўлмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири ўзбекона мусиқалардан унутили фойдаланилгани, асар қаҳрамонларида шарқона одоб-ахлоқ, ҳурмат-эҳтиром, андиша, қамтарлик мужассам эканидир. Ушбу сериалда кундалик турмушимизда учраб турадиган ҳаётини муаммолар тасвирга олинган. Қайнона-келин, соғлом авлодни вояга етказиш, одамларнинг бир-бирига муносабатлари каби мавзулар кенг қамраб олингани учун томошабинларга манзур бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, режиссёр Замира Бегимкулова уюшқоқ актёрлар жамоасини тузишга муваффақ бўлган. Бу ўринда қайнона ролини қойилмақом ижро этган актриса Дилором Каримованинг маҳоратини алоҳида айтиш жоиз. Унинг юз ифодаси-ю, гап-қочиримлари ўртасидаги уйғунлик образини ишонarliлигини таъминлаган. Тўғри, она ҳеч қачон боласига ёмонлик тилламайди. Лекин, афсуски, ҳаётда Д.Каримова ижросидаги қайнонага ўхшаганлар ҳам учраб туради. Бундайлар уйдаги чивин-пашшани ҳам измига солишга уринади. Энг ёмони, ота-онага гап қайтариб ўрганганида қайнона томошабинни ўйлашга, тўғри хулоса чиқаришга ундайди.

“Она-сингиллар”даги уч она-сингил орасида муболагасиз “тоши оғир” катта қиз — Нафиса ролини актриса Гавҳар Шарипова маҳорат билан ижро этган. У яхши келин бўлишни астойдил хоҳлаган, лекин оиладаги нобоб шароит туйғайли қизидан ажралган, икки ўт орасида қолган, оиласини севадиган аёл образини “Ўзидан ўтказиб” ижро этган. Томошабин Нафиса — Г.Шарипованинг аҳолига астойдил ачинади.

Насиба образи ҳам актриса Наргиза Рўзиевоя ижросида табиий чиққан. Унинг кийиниш ва сўзлашиш одоби одамни ўзига тортади. Бир болани қаноғатга олиб, унга яхшилик қилгани учун таъна-дашномларга қўлиб севгилисидан айрилади. Шаънига доғ тушмаганини одамларга тушутиролмай изтироб чекади. Қиз бола бўла туриб берган ваъдасида



қатъий туриши, эркакларча мардлиги, қатъиятли эканлиги образи янада бойитган.

Қамол Арслонова ижросидаги Шахнозани кут-диза туриб, тўғриси, ҳозирги ёшларга ҳавасингиз келади. Ундаги жўшқинлик, меҳнатсеварлик, касбга, илмга муҳаббат, Ватанга, ота-онасига, атофдагиларга эътибор тахсинга лойиқ. Кийиниши, муомала маданияти ҳам ёшларга ибрат бўла олади. Ўзимизнинг адрас, атлас, ипак матоларидан тикилган либосларни кўриб кўзингиз қувнади.

Сериалда ғиёвандлик балосига учраган Сардор — Азизбек Қобиловнинг ота-онага бепасанд муносабатлари ҳаётини чиққан. Бу муаммонинг ҳақоний ёритилиши ўз фарзандлари тақдирига беъэтибор ота-оналарни сергакликка қорласа ажаб эмас. Ғийбатчи, дунёқараш тор одамлар ҳаётимизда учраб туради. Ана шундай образни яратган Гулчехра Носирова бу каби одамларнинг янги қирраларини очиб беролган.

“Она-сингиллар” аксарият чет эл сериаллари каби тўрт девор билан ўралган саҳна кўринишлардан холи экани ҳам диққатни тортади. Айниқса, воқеалар Тошкент ва Самарқанднинг сўлим гўшалари, обод кўчаларида суратга олингани ҳам унинг кўрмиллигини оширган. Бу манзараларни, меъморий обидалар ва осори атиқаларни кўриб беихтиёр бир зумгина шу шаҳарларда бўлиб қайтгандай ҳис қиласиз ўзингизни. Қаҳрамонларнинг сўзлашуви йўсинлари, мусиқалар ҳам кўнгилдагидек.

Албатта, шундай кенг микёсли ижодий жараёнда қамчиликлар учраши табиий. Аввало, воқеаларнинг тафсилотлари ниҳоятда қўзғилиб кетяпти. Масалан, икки ёш айрилиқ азобида қийналаётган пайтда бирга ўтказган давларини эслайдиган саҳналар кўп. Сериалнинг олдинги қисмларида кўрсатиб ўтилган саҳналар ҳам такроран берилади. Назаримизда, эслаш учун ажратилган вақтда илгари берилмаган янги саҳналарни намоиш қилиш керак. Чунки кўрган нарсани яна қайта кўриш томошабинни зериктиради. Яна

қайнона, болалар шифокорининг келини ҳамда ғийбатчи аёл образларидаги салбий жиҳатлар ҳаддан зиёд бўрттириб юборилган ва бир хил гап-сўзлар такрорланаверилади. Табиийки, бундай тақдирликлари томошабиннинг меъдасига тегади.

Таниқли санъатшунслар айтганидек, “Сериалнинг олдинги қисмида қадахга қўйилган шаробни кейинги қисмда ичгани давом эттириш шарт эмас. Сериал — бу ҳар бир қисмда бир ҳикояни кўрсатиб бера олиш маҳоратидир”. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, “Она-сингиллар” сериалининг, айниқса, иккинчи қисмида бундай қамчиликлар кўпроқ кўзга ташланди. Режиссёр буни ҳисобга олиши зарур эди.

Агар сериал келгусида такрор қўйилган бўлса, унинг муаллифлари Назар Эшонқул, Замира Бегимкулова ишга шу жиҳатдан ёндошади, деб умид қиламиз.

Муяссар ИСЛОМОВА

Яқинда хориж сафаридан қайтган дўстим Прага боғларида сайр қилиб юрганида ўзини таажжубга солган бир ҳолиса ҳақида сўзлаб қолди. Истироҳат баҳона шахар боғига келган ота-она, бобо-буви, хуллас, ёш қари майсазорда, дарахтлар соясида ўйнаб юрган кичкинтойлардан бохабар бўлган ҳолда ёппасига китоб ўқиш билан банд экан.

Одамларнинг метро вагонлари, бекатларда ҳам, китобни қўлдан қўйишмаганини кўриб, дўстим тагин қойил қолганини таъкидлади. Мен аввалига у анча олдинги гапни айтиб мени лол қолдирмоқчи, шекилли, дея ўйлаб, бепарво жилмайдим. Юзимдаги ишончсизлик ифода-

Машрабни-чи?», дея сўроққа тўтардилар. Қуръони Каримни ёд билган Қори Ҳасан, илму амали уйғун, нафаси ўткир Шамсиддин бобо, Ҳамро бобо каби маърифатли инсонлар ҳам олис болалигим кўчаларини нурафшон этган сиймолардир. Аммо улардан бири — Султон бобо айтиб бер-

ҳам қарз, ҳам фарзидир, деб ўйлайман.

Шу ҳақда ўй сурарканман, бу йил мамлакатимизда китобхонлик байрамлари ўтказила бошланганидан қувондим. Бу жараён муттасил давом этадиган хайрли анъанага айланади.

Китобга беписанд қараш ҳеч бир миллат учун фазилат бўлган эмас. Зеро, ҳамма замон ва маконларда илмга, китобга ошно бўлган халқлар рўшноликка етганлар, ўзларининг ҳам, авлодларининг ҳам иқболини нурафшон эта олганлар. Қуръони Каримда "Илм" сўзининг 754 маротаба зикр этилганлиги ҳам китоб ва му-

КИТОБ — МЎЪЖИЗА

сини кўрган биродарим айтаётганлари шу кеча-кундузнинг гаплари эканини таъкидлаб, мени ҳам ўз таажжубига шерик қилди...

Китоб — буюк мўъжиза! Бир донишманд айтганидек, "Китоб ҳаётнинг эгри-бугри сўқмоқлари, алғов-далғов паст-баландликларидан ўтишда инсонга мадад бера-

Бурчимиз

ди, ғамли онларда юпатади, беморлик пайтларида ўрناق бўлади". Дўстимнинг гапи уйга толдириб, ҳаёлим олис болалик томон учди. Энди мактабга қатнаб, дунёда китоб деган улуғ қадрият борлигини мурғак қалбим ила ҳис қила бошлаган, кейинроқ шеър машқига дил боғлаб, ижод ҳиссиёти асирига айланганим кунлар хотиротига берилдим.

Қишлоғимизда бир пайтлар Мир Араб мадрасасида таҳсил кўрган, фаолияти муддарисликда кечган Арслон бобо деган нуруний инсон яшарди. Мана шу мўйсифидга ҳар гал қўлимда китоб билан рўбарў бўлганимда «Э, болам! Румийни биласанми?

ган аянчли хотирани ҳозир ҳам эсласам, ларзага тушаман. 30-йиллардаги катагон қирғинидан юрак олдириб қўйган Султон бобо кўз қорачиғидай авайлаб юрган икки мингдан зиёдроқ китобини қишлоқ қабристонидан катта сағана ичига кўмган эканлар. Орадан йигирма-ўттиз йил ўтиб, сағанани очганларида...

қора кулга айланган китобларни ховучлаб, қон-қон йиғлаганман", — дер эдилар бобо ҳар гал кўз ёшларини тўхтата олмай. Мени бир нарсаси ҳар дамда ўйлантиради: биз аслида жон қадавр, иймон қадавр авайлаш зарур бўлган жуда кўп нарсаларни ўтқинчи ҳою ҳавас, мол-дунё, ялтироқ ҳаётнинг арзон-ғаров безакларига алмашамиз. Жумладан, китобни ҳам... Ахир, биз тўла маънода Мустақилмиз! Ўз озодлигини қўлга олган халқ уни мустақамлаш учун аввалгидан кўпроқ интилиши, меҳнат қилиши баробарида онг ва тафаккур, билим ва заковатини ошириш йўлида ҳам заҳмат чекиши

толаанинг нечоғлик улуғ қадриятлар эканлигидан шаҳодатдир. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг мўътабар "Маснавийи маънавий"сидаги мана бу пурҳикмат сўзлар ҳам фикримизга ҳамоҳанг:

**Ҳотаи мулки Сулаймондир илм,
Жумла олам суварти, жондир илм.**

Демак, китоб Ҳақ ва рўшноликка талпинган кишиларнинг умидини оширади, фазлу камол йўлида камарбаста кишиларга ғайрат ва матонат бағишлаб, булутлар ортидан боққан куёш каби уларнинг умидларига жон беради. Китоб — бизга боққан, биз билан дийдорлашганларга нур, келажак авлодларимиз, фарзандларимизга бебаҳо ҳазинадир! Демак, мана шу кутлуғ ёғду сари талпинишга ҳар доим бурчимиз.

**Тошпўлат АХМАД,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими**

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга кафедралар бўйича кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади.

“Халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик” кафедраси — кафедра мудири, фан номзоди (1), “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси — профессор (1), “Педагогика ва психология” кафедраси — доцент (1), “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедраси — доцент (1), “Чолғу ижрочилиги” кафедраси — катта ўқитувчи (1), “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси — катта ўқитувчи (1).


ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ХУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

- ректор номига ариза;
- ишловчининг шахсий варақаси;
- маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
- малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Хужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзила: 100164, Тошкент шаҳар, Яланғоч даҳаси, 127-“а” уй.

Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11.



Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев.
«Кумкургон олмалари»

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

БҲҮОК АДИБ СОҲАТАСИ

Буюк ёзувчи Лев Толстойнинг "Крейцер сонатаси" қиссаси таникли бастакор Бетховеннинг машҳур скрипкачи Рудолф Крейцерга бағишлаб яратган шу номдаги мусиқа асари номи билан аталади. Адибнинг ўзи ҳикоя, деб ёзган бу асар яқинда инглиз тилида чоп этилган "Крейцер сонатаси: вариациялар" номли китобдан жой олди. Унга Лев Толстой ҳамда рафиқаси Софья Андреевна қаламига мансуб қиссалар киритилган. Айнан шундай китоб 2010 йили Францияда ҳам нашр қилинган.

Таржимон Кристина Зейтун-Белоуснинг гувоҳлик беришича, Софья Андреевна Лев Николаевичнинг "Крейцер сонатаси"ни юрагига жуда яқин олиб, изтиробга тушган. Уни ўзига нисбатан хуруж сифатида баҳолаб, "менга қарши қаратилган", деган ва асарда кўпгина кечирилмас ғуноҳларда муаллиф аёлларни айблаши, ўзининг уйланишига доир айрим жиҳатларни ошкор этишини ҳам кечира олмаган. Шунга қарамай, Софья Андреевна цензура рухсат бермаган бу асарни чоп этиш учун кўп саъй-ҳаркат қилган. Охир-оқибат, қаттиқ изтироб чеккан Софья Андреевнанинг ўзи мазкур тарихни — унга деярли ўхшаш воқеани ёзишга қарор қилади. Ёзганда ҳам аёллар нуқтаи-назаридан ёзади...

Қизиги шундаки, ҳар икки асарда воқелик ҳамда никоҳни идрок этиш масалаларида Лев Николаевич ва Софья Андреевна қарашларида умумий жиҳатлар жуда кўп. Айрим масалаларда эса, Лев Толстой фикрича, аёлларнинг кўпроқ айбдор ҳисобланишига, аввало, уларни шу даражага етказган эркаклар сабабчи экан.

ФРАНСУА ПРЕВО МУҲАББАТИ

Таникли адиб, тарихчи, журналист ва таржимон Антуан Франсуа Прево (1697-1763) XVIII аср француз адабиётининг йирик намояндalarидан ҳисобланади. Унинг қаламига мансуб "Инглиз фойласуфи", "Манон Леско" романлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Антуан Прево ёшлигидан ўз қобилиятини намоян этиб, католик монахлар таъкилотиде шогирдлик қилган, 1721 йили Фонтенел аббатлигиде бенедиктчи-роҳибларга қўйилган ва ҳаётининг етти йиллини руҳониятга доир илмий ишга бағишлаб "Gallia Christiana" тўпламининг деярли бутун бир жилдини ёзган. 1728 йилдан гоҳ Англияда, гоҳ Голландияда яшаб, ижод билан шуғулланади. Англияда ҳикоя ва кулгили латифалар, туркум мақолалар чоп этиладиган журнал чиқаради. Ўзининг машҳур роман ва қиссалари ҳам шу журналда босилади.

1735 йили "Киллерина руҳонийси" романини ёзади. Ричардсон романини, Мидлтоннинг "Цицероннинг ҳаёти" асари, шунингдек, "Роберт Лед саёҳати", "Виждонли кишининг қайдлари", Брут ва Цицерон мактубларини француз тилига таржима қилади.

ЁЗУВЧИ ВА ТАРИХШУНОС ОЛИМ

Машҳур араб адиби, публицисти ва олими Журжи Зайдон (1861-1914) Байрутдаги майда савдогар оиласида таваллуд толган. Шу шаҳардаги тиббиёт коллежиде таҳсил олиб, Мисрга кўчиб борган. Кўплаб тарихий асарлари билан янги араб адабиётиде тарихий роман жанрига асос солган. Адиб 1992 йили "Ал-Ҳилол" журналини таъсис этади. "Ислом тарихиде ҳикоялар туркуми"га кирган "Қарбало фожеаси", "Ҳасания", "Хорун ар-Рашид синглиси" каби йигирмага яқин тарихий романларида VII-XIII асрларда юз берган воқеаларни тасвирлайди. "Мамлуклар ўзбошимчилиги", "Усмонлилар тўнтариши" сингари қатор романлари эса XVIII-XIX асрларда Мисрда бўлиб ўтган тарихий воқеаларга бағишланган. Бу асарлар сўзлашув тилига яқин услубда ёзилгани учун Араб Шарқида машҳур бўлиб кетди ва кўплаб шарқ ҳамда ғарб тилларига таржима қилинади.

Журжи Зайдоннинг олим сифатидаги истеъдоди эса, унинг "Араб тили тарихи" (1904), "Муслимон тамаддуни тарихи" (1906) ва "Араб адабиёти тарихи" (1914) каби тадқиқот асарлари орқали намоян бўлган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Нусратулла Жумахўжаева онаси

МУБОРАК аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Янги нашр

лут, "Бувиининг аллалари" каби шеърларни ўқиб фикримизга ишонч ҳосил қиласиз.

**Қарайман деразадан,
Ой нуллари таралган.
Ой асли менга алла
Айтиш учун яралган.**

"Бахтли болалик" тўпламига ёзган сўзбошисида филлогия фанлари номзоди Иқболлой Адизова тўғри эътироф этганидек, айрим шеърлардаги меъёрига етмаган мисралар ёш шоирнинг маҳорат, малака бобида тинмай изланиши лозимлигини кўрсатиб турибди. Ижодда иқтидори, муҳим, иштиёқи кучли қаламкаш, албатта, изланиш машаққатларидан чекинмайди, деб умид қиламиз.

**Ирода МУХИДДИНОВА,
талаба**

“КАТТА ҲОВЛИ”

Куни кеча Алишер Навоий номидаги санъат саройида ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган "Катта ҳовли" филмининг премьераси бўлиб ўтди. Мусиқали комедия жанрида суратга олинган мазкур филм режиссёри ва сценарий муаллифи Нилуфар Иброҳимхўжаева, постановкачи оператор Дилмурод Турдибоев, постановкачи рассом Бахриддин Шамсиддинов. Нигора Назарова филм яратиш жараёнида адабий маслаҳатчи сифатида қатнашган бўлса, Аюб Шаҳобиддинов бадиий раҳбарлик қилган.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ташаббуси билан суратга олинган "Катта ҳовли" филмида бир қишлоқда истиқомат қилаётган ёш кекса ҳамюртларимизнинг аҳилиги, меҳнатсеварлиги, анъана ва қадриятларимизга садоқати акс эттирилган. Асосий ролларни таникли актёрлар Фарҳод Абдуллаев, Мухаммадсоли Юсупов, Толиб Ҳожиев, Акбархўжа Расулов ва бошқалар ижро этган.

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Куз ва қиш фаслларида аҳоли турли иситиш мосламаларидан фойдалана бошлайди. Бу эса эҳтиётсизлик оқибатида ёнғин содир бўлиш ҳоллари кучайишига олиб келади. Кўпгина ёнғин ҳолисалари айнан қўлбола электр асбобларидан фойдаланиш оқибатида келиб чиқмоқда. Шу муносабат билан жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасаларида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Чунки ёнғин билан боғлиқ нохуш воқеалар нафақат аҳоли, балки турли корхоналар, хизмат идораларининг ишчилари, ходимлари ўртасида ҳам рўй бермоқда.

Албатта, олов билан курашиш факатгина шу соҳа ходимларининг иши эмас — ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз

уйингни ўзинг асра" шиори барча фуқаролар, корхона ва муассасалар жамоаларига ҳам тегишли. Шунинг учун ҳар бир фуқарога қўлбола ўқоқ ва газ қурилмасидан умуман фойдаланмаслик, иситиш мосламалари атрофида кийимларни ёймаслик, очик алангдан фойдаланаётганда эҳтиёт зарурлигини эслатиб ўтамыз. Ўшбу қоидаларга доимо риоя қилиб борилса яқинларимизнинг ҳаётини, йиллаб тўпланган мол-мулкни, уй-жойни асраб қолган бўламиз. Зеро, ҳушёрлик, огоҳлик бугунги кунимизнинг энг зарур талабларидан биридир.

**Ёнғинга қарши кураш хизмати
ходимлари А. ОДИЛОВ,
А. АМУРЗОҚОВ**

Огоҳлик

Тақдимот

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Таъқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бosh
муҳаррир
Сирождин
САЙИД



Тахриратига келган қўлзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахриратини нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Азиз ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.20

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 7628 Ьуртима Г — 1157. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.



СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2341-614X

